ЎзССР Фанлар академияси Ф.Э. Энгельс номидаги Марказий давлат архиви Читального зала

БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (7631)

8 АВГУСТ СЕШАНБА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

Тинчлик, демократия учун, халқларнинг миллий мустақиллиги учун (1-нчи бет).

**И. Помелов.** — В. И. Ленин Асарларининг йигирма саккизинчи томи (2-нчи бет).

ЭНГ ЯХШИ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАЖРИБАСИДАН: **А. Раҳмат, Ҳ. Нурий.** — «Ғалаба» (2-нчи бет).

**Ғўзани ҳосил стилгунча парвариш қилайлик!** (3-нчи бет).

САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ: **О. Габбосов.** — Уч станокда ишлашдаги тажрибаларим (3-нчи бет).

**Асқад Мухтор.**—Азиз меҳмонлар (3-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Ҳиндистон парламентида (4-нчи бет).

Хо Ши Миннинг Франсияда чиқадиган «Авангард» газетаси мухбирига айтганлари (4-нчи бет).

Тошкентда физкультура байрами (4-нчи бет).

# Халқаро ҳуқуқ масалаларида нодонлик

Қуриядаги воқиалар жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турибди. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қувватлаш учун асосий мас'улиятни ўз зиммасига олган, халқаро тинчликни ўрнатиш ва қувватлашга ёрдам беришга да'ват этилган Хавфсизлик Совети ана шу энг мас'улиятли вазифасини бажариш учун ҳамма чораларни кўриши кераклиги ўз-ўзидан маълум. Маълумки, Совет Иттифоқи Хавфсизлик Советида ўз навбатида раислик қилабошлаган биринчи кундаёқ Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш ҳақида ўз таклифларини киритди ҳамда айни вақтда резолюция лойиҳасини тақдим қилди, бу резолюция лойиҳасида Қуриядаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва чет эл қўшинларини Қуриядан олиб чиқиб кетиш таклиф этилади.

Бу таклиф Қурияда тинчликни тиклаш вазифасига ҳам, барча сулҳпарвар халқларнинг манфаатларига ҳам тўла жавоб беради. Совет Ҳукумати Хавфсизлик Советига ўз таклифларини киритар экан, ўзи изчилик билан олиб бораётган тинчлик сиёсатига оғишмай амал қилди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юксак баҳо берди, чунки, ўртоқ Сталининг та'бири билан айтганда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлашда кучли воситадир». Аммо совет таклифи инглиз-америка иттифоқи томонидан қаттиқ қаршиликка учради, инглиз-америка иттифоқи совет таклифини рад этиб, Хавфсизлик Советининг кун тартибига «Қурия республикасига қарши агрессияга доир шикоят» деган қалбаки ном остидаги масалани киритди.

Қурия масаласини тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги совет таклифига қарши чиқиб ва бу таклифни гўё Шимолий Қуриядан қилинган агрессияга доир таклиф билан алмаштириб, инглиз-америка иттифоқининг иштирокчилари фактларни соҳталаштиришдан ҳамда халқаро ҳуқуқ ва халқаро практиканинг ҳамма томонидан қабул қилинган принципларини очиқдан-очиқ бузишдан ҳам тоймадилар, айни вақтда халқаро ҳуқуқ масалаларида мутлақо нодон эканликларини фош қилиб қўйдилар.

Совет таклифларига нисбатан Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия вакиллари томонидан ана шундай йўл тутилганлиги натижасида халқаро ҳуқуқ фанидаги агрессия масаласи билан боғлиқ бўлган ғоят муҳим масалани кўздан кечириш зарурияти келиб чиқади.

Давлатлар ўртасидаги тинчи сиёсий муносабатларни ҳал қилучи халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари билан бирқаторда давлатларнинг ички ишларига аҳнабийларнинг аралашувига йўл қўймаслик ҳақидаги принцип ҳам ҳамма томонидан э'тироф қилинган. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи бир давлатнинг иккинчи давлатга ҳужум қилиши (агрессия) шаклидаги бундай аралашувни ғоят оғир халқаро жиноят деб қарайди.

Халқаро ҳуқуқ, бир томондан, ички жанжалларни, гражданлар урушларини, иккинчи томондан, халқаро жанжалларни, давлатлар ўртасидаги урушларни бир-биридан кескин равишда фарқ қилади. Халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг (агрессорнинг) иккинчи давлатга ҳужум қилишидан иборат ҳаракат агрессия эканлиги ҳақидаги тушунча мустаҳкам ўрнашиб қолган ва бир давлат ички ишидаги курашни, ички жанжални, гражданлар урушини агрессия деб қараш ҳеҷкимнинг ҳаёлига ҳам келган эмас. Ва, аксинча, чет эл давлатларининг бирор мамлакатдаги ички жанжалларга, гражданлар урушларига аралашуви агрессиянинг одатдаги кўриниши деб ҳисобланиб келинган.

Ҳаммага маълум бўлган бирнеча фактни эслатиб ўтамиз.

Ўтган асрнинг 60-нчи йилларида Американинг Шимолий Штатлари билан Жанубий Штатлари ўртасидаги граждалар уруши вақтида жанубликларнинг ҳужумига учраган Шимолий Штатларнинг қуролли кучлари ўз территорияларини мудофаа қилиш билан чекланиб қолмаганлар, балки, маълумки, уруш ҳаракатларини Жанубий Штатларнинг территориясига ўтказиб, халқ қўллаб-қувватламаган қулдорларнинг қўшинларини тор-мор келтирганлар ҳамда Американи бирлаштириш ва Америка Қўшма Штатларида миллий бирлик ўрнатиш учун шароит вужудга келтирганлар. Маълумки, шимоллиларни ёки жанубликларни агрессорлар деб э'лон қилиш ҳеҷкимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Ўша вақтда Англия ҳукумати Америка Қўшма Штатларидаги ўша гражданлар урушидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлиб, жанубликларни қувватлашга уринганида ҳамда жанубликларнинг фойдасига қуролли интервенция тайёрлаганида, жаҳон афкор оммаси, Англия ҳукуматининг бу сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан э'тироф қилинган принципларига хилоф деб, ички ишларга аралашиш сиёсати деб ҳақли равишда қоралаган.

1862—67 йилларда Наполеон III ҳукумати Мексикадаги гражданлар урушига аралашиб, Мексикага ўз қўшинларини юборганда, Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Мексикадан чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетишни талаб этган. Франция ҳукумати номига юборилган америка нотасида француз қўшинларининг Мексикадаги ҳаракатлари «Мексика халқининг муқаддас ҳуқуқларини» бузиш ва зўравонлик интервенцияси деб баҳоланган. Шундай қилиб, айни ҳолда ҳам, гражданлар урушида иштирок қилган бу ёки у томоннинг уруш ҳаракатлари агрессия деб аталмаган, балки чет давлатнинг интервенцияси агрессия деб э'тироф қилинган.

Булардан ҳам янгироқ мисоллар бор. Хитойдаги қўпйиллик гражданлар уруши вақтида ҳатто гоминдан тўдасига хомилик қилган Америка Қўшма Штатларининг ҳукумати ҳам Хитойда курашиб келган томонлардан бирортасини ҳам агрессор деб э'лон қилишга ҳеҷқачон уриниб кўрмади, зотан Америка Қўшма Штатларининг Хитойга нисбатан агрессив сиёсати яхши маълум эди. Нима учун у вақтда иш Америка Қўшма Штатларининг Хитойда очиқдан-очиқ интервенция бошлашигача бориб етмади? Чунки 500 миллионли хитой халқига қарши агрессия қилиш ҳатто Уолл-стритни авантюрачиларга ҳам қалтис иш бўлиб кўринар эди, чунки улар ўз ҳаракатлари осонлик билан тугамаслигини билиб, кўрқар эдилар. Қурияда эса улар ўз авантюраларини шунчаки бир ўйин деб билиб, бу авантюрани бошладилар. Маълумки, уларнинг бу мўлжаллари шармандаларча барбод бўлди.

Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, халқаро ҳуқуқ ҳам, халқаро практика ҳам ички жанжалларга, гражданлар урушларига ҳеҷқачон агрессия деган тушунчани ишлатмаганлар, чунки ички жанжаллар, гражданлар урушлари икки давлат ўртасида содир бўлмайди, балки айни бир мамлакат халқининг икки қисми ўртасида содир бўлади. Қуриядаги иш ҳам худди шу тарздадир, Қурияда шимоллилар билан жанубилар ўртасида, вақтинча иккита ҳукумат лагерига бўлинган қурия халқининг икки қисми ўртасида граждалар уруши давом этмоқда. Ўз қўшинларини Қурия территориясида сақлаб келаётган ҳамда шимоллилар билан жанубилар ўртасидаги курашга аралашаётган ва, бинобарин, уруш ҳаракатлари доирасини кенгайтираётган давлатларгина Қуриядаги бирдан-бир агрессорлардир.

Агрессия деган тушунчани гражданлар урушига татбиқ қилиб бўлмайди. Совет Ҳукумати ҳам бу масалада ҳаммавақт шундай мавқе'ни тутиб келди ва ҳозир ҳам шундай мавқе'ни тутмоқда. Шуни эслатиб ўтиш кифояки, Миллатлар Иттифоқи ҳузуридаги хавфсизлик масалалари билан шуғулланган Комитет, я'ни 17 давлат вакилдан, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция вакилларидан тузилган Комитет агрессиянинг нима эканлиги тўғрисида Совет Иттифоқи делегацияси таклиф этган та'рифни 1933 йилдаёқ қабул қилган эди. Агрессиянинг нима эканлиги тўғрисидаги ана шу та'рифга мувофиқ равишда, Совет Ҳукумати ўша 1933 йилдаёқ ўнбир давлат билан битим тузган эди. Бу битимларда Ҳадномада санаб ўтилган ҳаракатлардан бирини қилган давлат, чунончи: бошқа давлатга уруш э'лон қилган давлат, гарчи уруш э'лон қилмаса ҳам қуролли кучлари билан бошқа давлат территориясига бостириб кирган давлат, қуруқликдаги, денгиздаги ёки ҳаводаги кучлари билан иккинчи давлат территориясини бомбардимон қилган давлат; денгиздан қамол қилиб қўйган ва шу сингари ҳаракатларда бўлган давлат ҳужумкор томон (агрессор) деб э'тироф қилинади.

СССРнинг Хавфсизлик Советидаги вакили ўртоқ Малик 3 августда сўзлаган нутқида Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги ҳаракатларида агрессиясининг нима эканлиги тўғрисидаги та'рифда, я'ни Миллатлар Иттифоқининг хавфсизлик масалалари билан шуғулланган Комитети томонидан ма'қулланган та'рифда ифодаланган барча агрессия белгилари мавжуд эканлигини тўла асослаб берди.

Айрим ҳолларда агрессия ҳақидаги тушунчанинг давлатларга татбиқ этилиш практикаси бирмунча халқаро ҳужжатларда — 1924 йилда қабул қилинган Жанва протоколи деб аталган ҳужжатда, 1936 йилда Буэнос-Айресда бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик ҳақида имзоланган Протоколда, 1947 йилда Рио-де-Жанейрода ўзаро ёрдам ҳақида тузилган америка шартномасида ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ бир давлатнинг иккинчи давлатга ҳужум қилишинигина, я'ни давлатлар ўртасидаги жанжалларнигина агрессия деб ҳисобламайди. Бу, шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам бу масалаларга оид бирмунча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда илова қилиб айтилишича, мамлакатда революцион ёки контрреволюцион ҳаракатларнинг мавжудлиги, шунингдек гражданлар урушининг содир бўлиши агрессияни оқлашга хизмат қилаолмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави Хавфсизлик Советига халқаро тинчлик ва хавфсизликни қувватлаш ёки тиклаш учун зарур тадбирларни кўриш вазифасини юклаш билан бирга, бу нарса «ҳеҷбир ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига моҳият э'тибори билан ҳарқандай давлатнинг ички ишларига оид бўлган ишларга аралашиш ҳуқуқини бермайди» (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 2-нчи моддасидаги 7-нчи пункт), деб илова қилади.

Инглиз-америка сиёсатчиларининг, я'ни халқаро ҳуқуқ ҳамда халқаро практиканинг ҳамма томонидан э'тироф қилинган ва қат'ий белгиланган принциплари ҳам нормалари бўлишига қарамай ҳозирги вақтда Хавфсизлик Советини «Шимолий Қурия томонидан қилинган агрессия ҳақида» ғаразгарликдан иборат қарор қабул қилишга зўрма-зўраки мажбур этишга уринаётган бу сиёсатчиларнинг нодонлигидан тааҷҷубланмасдан иложи йўқ.

Савол туғилади: Нима учун тарихга, халқаро ҳуқуқга ва соғлом фикрга тўғри келмаган ҳолда Қуриядаги гражданлар уруши эндиликда Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан Шимолий Қурия ма'мурларининг «агрессияси» деб э'лон қилинмоқда?

Бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Қурия халқига қарши тажовузкорликдан иборат, йиртқичларча уруш олиб бораётган Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ҳарқандай сўзга ишонаберадиган нодон, кўзи кўр ёки тентак кишилар топилади, улар Уолл-стрит пулдорларининг фойдасини кўзлаб, қурия халқининг ўз миллий мустақиллиги учун фидокорона курашини агрессия деб атайдилар деган ҳаёл билан, э'тиборни четга тортишга уринмоқда.

«Шимолий Қуриядан қилинган агрессия» — ниқобдир, америка Қурияда бошлаган интервенциянинг ташкилотчилари ва Давлат департаментидаги нодонлар ана шу ниқобнинг ёрдами билан ўзларининг Қуриядаги агрессив ҳаракатларини, қурия халқига қарши қилган ҳужумларини яширишга уринмоқдалар. Брок нодонлик ҳеҷқачон ҳеҷкимга иш бермаганлиги маълум.

Америка империалистлари ҳарқандай йўл билан уришиб кўрсалар ҳам, уларнинг Хавфсизлик Советидаги вакили халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим принципларини ва нормаларини бузиб, ҳарқандай вайсаб кўрса ҳам, Америка Қўшма Штатларининг итоатли шериклари Вашингтонда берилган кўрсатма асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларида ҳарқандай йўл билан овоз берсалар ҳам, ўз миллий бирлашуви ва мустақиллиги йўлида курашаётган қурия халқининг озодлик ҳаракатини дун'ёдаги ҳеҷкандай куч агрессия деб тасвирлаб бераолмайди.

Фактлар шундай. Бу фактлар Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг қурия халқига қарши олиб бораётган уруш ҳаракатлари халқаро ҳуқуқ ва халқаро практика нуқтаий назаридан қараганда, қуролли агрессия эканлигини ҳамда Қуриядаги агрессия учун бутун жавобгарлик Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг гарданига тушажагини қат'ий исбот қилиб берадилар.

(«ИЗВЕСТИЯ»нинг 6 августдаги бошмақоласи).

# Тинчлик, демократия учун, халқларнинг миллий мустақиллиги учун

Кеча 5 августда, Союзлар Уйининг Колонна зали москвали ёшлар билан тўлди. Кўкракларига комсомол нишонини тақкан йигит ва қизлар — пойтахт корхоналарининг ёш ишчилари, олий ўқув юртлари, техникумларининг студентлари, ёш илмий ходимлар ва артистлар чет мамлакат демократик ёшларининг вакиллари билан учрашиш учун бу ерга келдилар.

Йиғилганлар чет эл демократик ёшлари вакилларининг — Хитой, Қурия, Вьетнам студентлари, Франция ёш ишчиларининг залда пайдо бўлишини қизғин табрикладилар. Чет эллик дўстларига гулдасталар тақдим қилдилар.

Прожектор нурларида: «Ёшлар, тинчлик, демократия учун, миллий мустақиллик учун курашга бирлашингиз!» деган сўзлар порлайди.

Йиғилишни ВЛКСМ Москва Комитетининг секретари ўртоқ Н. Сизов очди.

— Биз, Совет Иттифоқининг ёшлари, — деди ўртоқ Сизов, — бугун Хитой қаҳрамон ёшларининг вакилларини, Қурияниинг мард ёшларини, Германия демократик республикаси ёшларининг, Вьетнам ёш курашчиларининг, Мўғулистон халқ республикаси, Венгрия ва Чехословакия ёшларининг, Франция ишчи ёшларининг вакилларини қизғин табриклаймиз. Биз уруш оловини ёқучиларга қарши, бутун инсониятнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун курашаётган барча мамлакатларнинг ёшларини табриклаймиз. Биз барча тараққийпарвар демократик ёшларни тинчлик учун курашни кучайтиришга чақирамиз.

— Яшасин бутун дун'ё демократик ёшларининг қардошларча дўстлиги! Яшасин бутун дун'ёда тинчлик! Тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!

Залда давомли қарсаклар янграйди. «Яшасин улуғ Сталин!», «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар жаранглайди. Йигит ва қизлар бутун дун'ёда тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!

Залда давомли қарсаклар янграйди. «Яшасин улуғ Сталин!», «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар жаранглайди. Йигит ва қизлар бутун дун'ёда тинчликнинг улуғ ҳимоячиси, инсониятнинг ва инсоният ёш авлодининг нурли истиқболи учун курашчи ўртоқ И. В. Сталинга бўлган муҳаббат ва ташаккур туйғуларини кўп тилларда изҳор қиладилар.

ВКП(б) Марказий Комитетининг ўртоқ И. В. Сталин бошчилигидаги Сиёсий Бюроси узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланади.

Биринчи сўз москвали стахановчи Лидия Корабельниковага берилди.

Шундан кейин Хитой халқ республикаси студентлари делегациясининг раҳбари Ян Чен сўзга чиқади. У Совет Иттифоқининг йигит ва қизларига хитой ёшлари номидан қизғин салом топширади.

— Биз ёш авлоднинг тинчликни ҳимоя қилиш учун астойдил бел боғлаганига чуқур ишонамиз, — дейди Ян Чен. — Америка империалистлари қанча қутирсалар ҳам, тинчлик иши таътана қилади, чунки тинчлик лагерига Совет Иттифоқи, улуғ Сталин бошчилик қилмоқда.

Йиғилганлар Қурия қаҳрамон ёшларининг минбарда пайдо бўлган вакили Кен Букни олқишлайдилар.

— Ўртоқлар, ака-укалар, москвали ёшлар, — дейди Кен Бук, — мен сизларни ўз мамлакатимининг америка босқинчиларига қарши курашаётган ёшлари номидан қизғин табриклайман. Бизнинг бутун халқимиз ватанимизни ҳимоя қилмоқда. Қурия америка агрессорларидан тўла озод қилинадиган кун узоқ эмас.

— Яшасин совет ва қурия ёшларининг дўстлиги! — деб хитоб қилади, Кен Бук.

— Яшасин генерал Ким Ир Сен! Яшасин бутун дун'ёда тинчликнинг улуғ байроқдори ўртоқ Сталин!

Залда яна қарсаклар янграйди. «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоблар жаранглайди.

Москва давлат университетининг студенти Галина Казакова демократик студент ёшларни ўз сафларини янада мустаҳкамлашга, бутун дун'ёда тинчлик учун янада актив кураш олиб боришга чақиради.

Германия демократик республикаси ёшларининг вакили Германга сўз беради.

— Демократик ёшларнинг умумгермания слёти, — деди Герман, — немис ёшлари тинчлик учун, ўз мамлакатларининг бирлиги учун курашга отланганликларини намойиш қилиб кўрсатди. Миллион-миллион ёш немислар Стокгольм Мурожаатига қўл қўйдилар. Немис ёшлари тинчлик тарафдоридирлар, улар уруш оловини ёқучиларга қаршидирлар!

Вьетнам демократик республикаси ёшларининг вакили Тран Трон-Гот қаттиқ қарсаклар чалиб кутиб олинди. У, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қўлга қурол олиб курашаётган вьетнам ёшлари номидан москвали ёшларга жанговар салом топширди.

Сталин мукофоти лауреати шоир Лев Ошанин тинчликни ҳимоя қилишга бағишланган оташин ше'рини ўқиб берди.

Мўғулистон халқ республикаси студентлар делегациясининг раҳбари Церевсамбо бундай деди:

— Бизнинг ёшларимиз, студентларимиз Стокгольм Мурожаатига ғоят баланд руҳ билан қўл қўйдилар. Мўғул халқи тинчликни истайди ва тинчлик учун курашади. Бизнинг ёшларимиз ленинча-сталинча қаҳрамон комсомолдан яшаш ва меҳнат қилишни, бутун дун'ёда тинчлик иши учун курашишни ўрганмоқдалар.

Француз ёшлари делегациясининг раҳбари Ги Дюколонье сўзга чиқади:

— Бизнинг ёшларимиз тинчлик учун курашишга астойдил бел боғлаганлар,— дейди у. — Франция меҳнаткашлари француз коммунистлар партиясининг раҳбари Морис Торезнинг: «Франция халқи ҳеҷқачон Совет Иттифоқига қарши курашмайди», деган сўзларига ишонадилар. Франция меҳнаткашлари Зоя Космодемьянская ва Олег Кошевой мамлакатига қарши ҳеҷқачон урушмайдилар. Бизнинг ёшларимиз бутун дун'ёда тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун ҳормай-толмай курашадилар.

Йиғилиш қатнашчилари ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари, Демократик ёшлар жаҳон уюшмаси президентининг ўринбосари ўртоқ Н. А. Михайловнинг нутқини завқ билан тингладилар. Ўртоқ Михайлов ўз сўзининг охирида тинчликнинг улуғ курашчиси, бутун тараққийпарвар инсониятнинг йўлбошчиси Иосиф Виссарионович Сталин шарафига табрик сўзлари айтади.

Залда бошланган кучли қарсаклар гулдурос овацияга айланади. Ўртоқ И. В. Сталин шарафига ўбрик хитоблари узоқ вақт янграйди. Ҳамма ўринлардан туриб, ёшларнинг энг яхши дўстига, тинчликнинг улуғ курашчисига, инсониятнинг бахтли келажаги учун буюк курашчига чексиз муҳаббат туйғуларини изҳор қилади.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган резолюцияларда тинчлик учун курашаётган барча ёшларни табриклайдилар, америкали уруш оловини ёқучиларнинг ғаразгарликдан иборат ҳатти-ҳаракатларини қоралайдилар, бутун дун'ёда тинчликни ҳимоя қилучи сталинча доно сиёсатни ма'қуллайдилар.

Бу унутилмас учрашув қатнашчилари совет ёшларининг энг яхши дўсти ўртоқ И. В. Сталинга табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

## *Тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшамиз*

Колхозчиларимиз Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитети Стокгольм сессиясининг атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Мурожаатини ва бу тўғрида СССР Олий Советининг Баёнотини зўр уюшқоқлик билан кутиб олдилар. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда колхоз ҳосилот советининг раиси ўртоқ Маҳкам Нуриев пахтакорларнинг умумий фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Халқимиз тинч, Ватанимиз обод. Биз осойишталик учун, тинчлик учун курашаётирмиз. Ленин — Сталинзинг улуғ байроғи бизларни янги ғалабаларга олиб келмоқда. Янги уруш очиш учун жон-жаҳди билан интилаётган империализм малайларининг дўқларидан қўрқмаймиз. Мен колхозчиларни ҳарқачонгидан ҳам унумлироқ ишлаб, тинчлик ишига муносиб ҳисса қўшишга чақираман.

Колхозимизда гектаридан 50 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун фидокорона меҳнат қилаётган бригада бошлиғи ва колхоз бошланғич комсомол ташкилотининг секретари Зикр Эргашевнинг нутқини ҳамма диққат билан тингради:

— Мен Улуғ Ватан урушида иштирок этганман. Биз тинчликни барқарор қилиш учун адолатли урушда қатнашдик. Биз, колхозчилар, совет халқлари ва ҳукуматимиз мустаҳкам тинчлик учун курашаётганликларини биламиз. Биз тинчлик ишига фидокорона меҳнатимиз билан ҳисса қўшамиз. Мен шу кунларда ғўзаларни намунали парвариш қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшмоқдаман. Бригадамиз а'золари самарали меҳнатларидан мамнун бўлиб, қувонмоқдалар. 60 гектар еримиздаги ғўзаларнинг ҳарбир тупи 18 — 20 тагача ҳосил шохи олиб, 10 — 12 тадан кўсак тугди. Биз мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажариш учун самарали ишлаб, совет халқларининг тинчлик учун олиб бораётган курашларига ҳисса қўшамиз.

Стахановча тинчлик вахтасида туриб, ғўзани намунали парвариш қилаётган Файзи Эргашев, Исмоил Солмонов, Назокат Тошпўлатова, Жўра Йўлдошев, Нурсари Ҳамроева каби ўртоқлар ҳар куни 1,5 — 2 норма бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Ғўзаларимиз яхши ўсмоқда. Ҳар гектар еримизда белгиланган қалинликда, я'ни 85 — 90 минг туп ғўзамиз бор. Бу ғўзаларнинг янада ҳосилдор бўлиши учун парваришни ҳарқачонгидан ҳам кучайтирамиз. Ҳарбир туп ғўзамизда ўрта ҳисоб билан 45 — 50 тадан кўсак бўлишига эришамиз. Колхозчиларимиз мўл ҳосил етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб билан 45 центнердан пахта ҳосили етиштиражаклар. Бу тинчлик ишига қўшган ҳиссамиз бўлади.

**Ҳайдар ХОЛИҚОВ.**

Шаҳрисабз район, Кунчиқар қишлоқ советидаги Куйбишев номли колхозининг раиси.

## БУЮК ИРОДА

Катта йўлдан ўнгга бурилгандан сўнг узоқдан ҳилпиллаб турган қизил албон кўзга ташланади.

Яхши парвариш кўрганидан авж олиб ўсган ғўза қаторларининг охири кўринмайди. Муштдек-муштдек кўсаклар бўлиқ ҳосилдан дарак бермоқда.

Қизил албон ва рангбаранг плакатлар билан безатилган бригада шийпонида ҳурматли қариялардан икки киши тушки овқатга урнамоқда. Қизил албонларнинг бирида: «Яшасин тинчликнинг улуғ байроқдори улуғ Сталин!» иккинчисида: «Тинчлик вахтасида туриб фидокорона ишлаётганларга шон-шарафлар бўлсин!» деб ёзилган.

Ғўзани чеканка қилаётган колхозчиаёллар олдида бригада бошлиғи ўртоқ Ражаб Абдуллаевни учратдик. Ҳосил жиҳатидан ҳам, ўсиш жиҳатидан ҳам унинг ғўзасига тенг келадиган ғўза биргина «Озоди Шарқ» колхозида эмас, ҳатто Боғизоғон қишлоқ советидаги бошқа колхозларда ҳам йўқ.

— Бизнинг бригадамиз уч ҳафтадан бери тинчлик вахтасида туриб ишлаётир, — дейди у. — Ишнинг натижаси, кўриб турибсизлар, ёмон эмас. Ғўзани парвариш қилишда колхоздаги бригадалар орасида ғолиб чиқдик. Тинчлик вахтасида турганимиздан бери ғўзаларга яна икки марта қўшимча ишлов бердик ва озиқлантирдик.

Тинчлик вахтасида турганидан бери гектаридан аввал олинган мажбуриятга қўшимча яна 5 центнердан ҳосил беришга қат'ий аҳд қилган бригаданинг деярлик ҳамма а'золари кундалик топшириқни ошириб адо этаётирлар. Бундай илғор звено, бригада ва колхозлар Самарқанд областининг Комсомол районида оз эмас.

Районнинг Янгийўл қишлоқ советидаги «Зарафшон» колхозида барча пахтачилик бригада ва звенолари тинчлик вахтасида туриб ишламоқдалар. Юқори ҳосилли звено бошлиғи Икромахон Ражабова участкасидаги ҳар туп ғўзада 10-12 тадан ҳосилга тўлган кўсак бор. Звенодаги ғўзалар 5 марта чопиқ қилинди ва икки марта озиқлантирилди. Стокгольм Мурожаатига зўр қувонч билан қўл қўйган колхоз а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, август ойида ғўзаларни яна икки марта парвариш қилишга бел боғлаб, мўл ҳосилнинг йўлини-теримига шайланмоқдалар.

**М. АШУРОВ.**

## Тинчлик имзолари

Барча совет кишилари каби, Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Стокгольм Мурожаатига якдиллик билан қўл қўйиб, ўзларининг сулҳпарварликларини, давлатимизнинг сталинча тинчсиёсатини тўла қувватлаганликларини, большевиклар партиясига ва улуғ Сталинга чексиз содиқ эканликларини яна бир марта намойиш қилди. Имзо тўплаш кампанияси, барча шаҳар ва қишлоқларда, колхоз, совхоз далаларида, саноат корхоналарида, шахталарда ва конларда меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ва меҳнат гайрати жуда ҳам ўсган бир вазиятда ўтди.

Редакциямизга ҳар куни келаётган юзлаб хабарлар, Ўзбекистон меҳнаткашлари тинчлик вахтасида туриб меҳнат қилаётганликларидан ва бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилажакларидан дарак беради.

Мухбир **Р. Аанзов** Лангар кончилари стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаётганликларини ва меҳнатда янги ғалабаларга эришаётганликларини ёзади. Тоғ цехининг ўртоқ И. А. Эпштейн бошлиқ участкасининг ишчилари тинчлик вахтасида ишлаб, ишлабчиқариш планини икки баравардан ҳам зиёд бажармоқдалар. Кон ишчиларидан Боборажаб Қобилов, Бегалиев, Петеренко, Половной, Сафаров, Набиев, Алимова ва Тавфикова ўртоқлар қуролик ишлабчиқариш нормаларини 300 процентга етказиб бажармоқдалар.

Фарғона область, Қува районидаги «Осоавиахим» колхозининг раиси ўртоқ **Туроб Мирзаматов**, 100 центнерли звено бошлиғи ўртоқ **Кўзибой Мақсудов** ўртоқлар бундай деб ёзадилар:

— Стокгольм Мурожаатига қўл қўйганимизда пахтадан юқори ҳосил етиштиришга ва'да берган эдик. Ҳардоим ўз сўзининг устидан чиқиб келган колхозчиларимиз ғўза қатор оларини сифатли ишлашни кучайтириб юбордилар.

Ғўзалар 5 марта парвариш қилинди. Ҳозир 6-нчи марта чуқур чопиқ ва культивация ўтказилмоқда. Ҳозир ҳамма ғўзалар ёппасига тўла ҳосилга кирди.

Мухбирлардан **Тўраев, Ю. Раҳимзода, М. Орипов, А. Набихўжаев, Б. Ражабов, Р. Фармонов, Р. Раҳмонов, П. Алимов** ўртоқлар ҳам колхозларда, завод ва фабрика цехларида ишчи ва хизматчилар стахановча тинчлик вахтасида туриб ишлаётганликларини ёзадилар.

## „Совет халқи тинчлик учун курашда“ виставкаси

ЯНГИЙЎЛ. (ЎзТАГ). Шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида ўлкани ўрганиш музейи томонидан ташкил қилинган «Совет халқи тинчлик учун курашда» деган виставка очилди. Виставкага фотомонтажлар, газета материаллари қўйилган.

Виставкадаги экспонатлар совет кишиларининг бутун дун'ёда тинчлик ўрнатиш йўлидаги меҳнатини, америка агрессорларининг озод Қурияга қарши бошлаган урушидан халқимиз бениҳоя ғазабланганини кўрсатади.

## *Тинчлик қизил карвонлари*

САМАРҚАНД. Область ғаллакорлари қизил карвонлар уюштириб, ғалла топширишни давом этдирмоқдалар. Иштиҳон районининг колхозчилари йиллик план ҳисобига энг сўнгги центнер ғаллани топширдилар. Бу район ғаллакорлари областьда биринчи бўлиб давлатдан олган уруғлик қарзини, МТС иши учун натура ҳақини тўлаб бўлдилар.

Шунингдек Оқдар'ё, Пахтакор районларининг колхозлари ҳам йиллик ғалла топшириш планларини бажариш арафасида туриптилар. Бу районларда қизил карвон уюштирилиб, сўнгги беш кун ичида ўтган бешкунликка нисбатан 25 процент кўп ғалла топширилди.

ҚАРШИ. Қашқадар'ё областида ғалла ўрим-йиғими тамом бўлай деб қолди. 5 августгача бутун ғалла майдонининг тўртдан уч қисмидаги ғалла ўриб олинди ва янчилди. Саккиз МТС комбайнлар билан ғалла ўриш планини муддатидан олдин бажарди. Қарши районидаги 1-нчи ва 2-нчи МТСлар белгиланган топшириқдан ошиқ яна 5 минг гектар ердаги ғаллани ўриб бердилар.

Колхозчилар кечаю-кундуз давлатга дон топширмоқдалар. Тўрт район — Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод ва Мироқи районлари ғалла топшириш планларини ўтган йилга нисбатан 30 кун илгари бажардилар. Шунингдек МТС ишлари ҳақини, давлатдан олган қарзларини тўлаб бўлдилар ва уруғлик фондини жамғариб қўйдилар.

Кўкабулоқ районидаги «Қаҳрамон» колхозининг а'золари давлатга пландан ташқари ғалла топшириш ташаббусчиси бўлдилар. Бу ташаббус Қашқадар'ё областининг барча районларида қизғин ма'қулланди. 5 августда илғор колхозлар тайёрлов пунктларига пландан ташқари 237 арава дон топширдилар.

Деҳқонобод районидаги «Қизил йўл» ва «ЎзКУ» колхозлари 3.600 пуд буғдой топширдилар.

Мироқи, Шаҳрисабз ва Деҳқонобод районларининг жуда кўп колхозлари ҳам қизил карвонлар уюштириб, давлатга пландан ташқари ғалла топшираётирлар. (ЎзТАГ).

## УЗУН РАЙОНИ ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Сурхондар'ё область, Узун районининг колхозлари тинчлик қизил карвонлари ташкил этиб, 5 августда давлат ғалла тайёрлаш мажбуриятларини (шюлидан ташқари) 101,9 процент бажардилар.

Район колхозчилари тинчлик шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб, давлатга пландан ташқари ғалла топширмоқдалар ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планларини тезда тугаллаш учун курашмоқдалар.

## ПИЛЛАЧИЛАРНИНГ ТОРТИҒИ

Наман

# В. И. Ленин Асарларининг йигирма саккизинчи томи

В. И. Ленин Асарларининг йигирма саккизинчи томи босилиб чиқди. Бу томга киритилган асарларни Ленин 1918 йил 29 июльдан 1919 йил март ойининг бошларигача ўтган даврда ёзган. Мазкур асарлар империалист боскинчилар ва ички контрреволюцияни тор-мор келтириш учун, пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш учун большевиклар партияси олиб борган курашининг буюк тажрибаларини ёритиб беради. Бу асарлар В. И. Ленининг ғоят даражада оғир шароитлардаги, я'ни ёш Совет республикаси ҳар томондан душманлар блан ўраб олинган бир пайтдаги жўшқин ва рангбаранг фаолиятини ёркин акс эттиради. Ленин ва Сталин социализмни Ватан мудофаси ишига бошчилик қилдилар. Ленин ва Сталин раҳбарлик қилган большевиклар партияси мамлакатимизди ишчи ва деҳқонларни интервентлар блан оқгвардиячиларса қаршн Ватан урушига отлантирди ҳамда уларни душман устидан тўла-тўкис галаба қозонишга олиб келди.

☆

Совет давлати вужудга келган дастлабки кунларидан бошлабоқ тинчлик учун изчиллик ва қат'ият блан кураш олиб борди. Броқ, бу кураш империалистларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Ленин 1918 йил 2 августда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Биз тинчликни истадик... Совет Россияси бутун дун'ё олдида тинчликни ҳимоя қилишни талаб этганлиги учун февраль ойида герман қўшинлари бизнинг устимизга бостириб келдилар» (В. И. Ленин. Асарлар, 28 том, 21—22 бетлар). Совет республикаси империалистик Германия блан бўлган урушдан чиққандан сўнг Антанта империализмининг ҳужумига дуч келди. «Энди бизга йиртқичларнинг бошқа гуруҳи, инглиз-французлардан иборат бўлган гуруҳи ҳужум қилмоқда...» (12 бет). Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция, Япония ва бошқа давлатларнинг империалистлари мамлакатимиз ичкарисидаги контрреволюцион кучларга сўяниб, бизнинг мамлакатимизда улоқтириб ташланган эксплоататорлик усул-идорасини қайта тиклаш, социализмнинг Россияда алангга олаётган мағ'алини сўндириш, бу Россияни ўз мустамлакаларига айлантириш учун Советлар республикасига қарши ҳарбий интервенцияни кенг авж олдириб юбордилар.

В. И. Ленин 28-нчи томга киритилган асарларида: ишчиларнинг йиғилишларида, Советларнинг с'ездларида, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг мажлисларида, РКП(б)нинг Москва шаҳар конференциясида ва бошқа ташкилотларда қилган докладлари ҳамда сўзлаган нутқларида Совет республикасининг ички ва халқаро майдондаги вазиятларини чуқур таҳлил қилиб берди, партия ва совет ҳокимиятининг вазифаларини белгилади, душман устидан ғалаба қозониш йўлларини кўрсатиб берди. Ленин Октябрь революцияси томонидан ағдарилган эксплоататор синфларнинг ишчи ва деҳқонларга қарши бир биргилкда кураш олиб бориш учун чет эл интервентлари блан тузган реакцион иттифоқини фош қилиб ташлади. Ватан ва халқ манфаатлари ҳисобига Антанта империалистлари блан тил бириктирган буржуа ва майда буржуа партияларини Ленин зўр эҳтирос ва қаҳри-газаб блан фош қилди. Буржуазия ва помешчиклар, эсерлар ва меньшевиклар Россиянинг миллий манфаатларига хиёнат қилдилар. Ҳозирги пайтда капиталистик мамлакатлардаги буржуазия ва ўнг социалистлар ҳам худди шулар каби Америка Қўшма Штатлари империалистларининг манфаатларини кўзда тутиб, ўз мамлакатларининг манфаатларига хиёнат қилмоқдалар. «...Ғал синфий манфаатларга бориб тақалганда, — деб ёзган эди Ленин,— буржуазия ўз ватанини сотади ва ўз халқига қарши ҳарқандай чет эл кишилари блан олди-сотдилар қилаберади» (9 бет).

Ленин Совет республикаси бошига тушган хавфнинг бутун моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб, «Пролетариатнинг сафларини янада қаттиқроқ жипслаштириш ва яқин ҳафталар орасида ҳамма ишни ҳарбий масаланы ҳал этишга қаратишга қодир бўлган ташкилот тузиш» (15 бет) вазифасини олға сурди. Партия ва Совет давлатининг йўлбошчиси Қизил Армияни кучайтириш тўғрисида таниай ғамхўрлик қилди. «Биз, — деб ёзди Ленин,—1.000.000 кишилик армияга эга бўлишга қарор қилган эдик, ҳозир бизга уч миллион кишилик армия керак. Биз бу армияга эга бўлаолмаймиз. **Биз унга албатта эга бўламиз»** (88 бет).

Ленин интервентлар ва оқгвардиячиларга қарши ғолибона уруш олиб бориш учун мамлакат ичкарисининг мустаҳкам бўлиши лозимлигини та'кидлаб, Қизил Армияга ҳартарафлама ёрдам беришни, уни кишилар блан, ярог-аслаҳа ва озиқ-овқатлар блан та'минлаб туришни талаб этди. «Совет Россиясидаги ҳарбир ташкилот ҳардоим армия тўғрисидаги масалани биринчи ўринга қўйиши лозим» (106 бет). Партия ва совет ҳокимияти Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, мамлакат ичкарисидаги барча ишларни фронт манфаатларига хизмат этдирдилар, мамлакатнинг бутун ҳаётини ҳарбий изга солиб юбордилар.

1918 йилнинг ноябрь ойида Ленин бошчилигида Ишчи-Деҳқон Мудофаа Совети ташкил этилди. Бу Мудофаа Советида Ленининг ўринбосари Ўртоқ Сталин эди. Ленин ва Сталин Қизил Армия ва Совет давлатини барпо этдилар ҳамда мустаҳкамладилар, душманга қақшатгич зарбалар бериш ишига ташкилотчилик қилдилар. Ленин Совет давлатининг сиёсатига доир энг муҳим масалалар юзасидан, ҳарбий стратегия ва тактика масалалари юзасидан Сталин блан маслаҳатлашиб турди. Партиянинг Марказий Комитети ва шахсан Ленин ўртоқ Сталинни энг муҳим фронтларга юборар эдилар. Ўртоқ Сталин ҳамма ердан революциянинг ғалабасини та'минлаб қайтар эди. Ленин блан Сталин ўзаро хатлар, телеграммалар ва мактублар ёзишиб турар эдилар. В. И. Ленининг Асарларида биринчи марта э'лон қилинаётган янги ҳужжатлар гражданлар уруши йилларида мамлакат мудофаси ва Совет давлати қурилишига раҳбарлик қилиш ишида Ленин блан Сталининг буюк ҳамкорликларини акс эттиради. Бу ҳужжатлар қаторига Давлат контролини қайтадан тузиш тўғрисидаги масала юзасидан И. В. Сталинга юборилган мактуб, И. В. Сталининг жавоби, И. В. Сталин ва Ф. Э. Дзержинскийга Глазов шаҳрига юборилган телеграмма, Самарадаги украинларга ва Уфа губерняси ревкомига В. И. Ленин ва И. В. Сталин имзоси блан юборилган телеграммалар, шунингдек И. В. Сталин қўли блан ёзилиб, Ленин имзоси блан Серпуховдаги ревкомга юборилган телеграммалар киради.

Ленинниинг 28-нчи томда э'лон қилинган асарлари, хусусан «Америка ишчиларига мактуб», Советларнинг Бутун Россия VI с'ездида халқаро аҳвол тўғрисида сўзланган нутқ, Пресня район ишчи конференциясида сўзланган нутқ озодлик, тинчлик ва тараққиётнинг ашаддий душмани бўлган инглиз-америка империализмининг кирдикорларини зўр куч ва эҳтирос блан фош қилиб ташлайди. Инглиз-америка империализмининг қабиҳ роли тўғрисида Ленин томонидан айтилган фикрлар ҳозирги пайтда ҳам ўз қимматини сақлаб қолган. Ленин бундай деб ёзган эди: «...Инглизлар ва америкалилар рус озодлигининг жаллоди ва жандармлари сифатида майдонга чиқмоқдалар... Вильсон агентлари... Австриядаги революцияни бўғмоқдалар, улар жандармлар ролини ўйнамоқдалар, улар Швейцария олдига ультиматум қўймоқдалар: агар сизлар большевистик ҳукуматга қарши курашга киришмасангиз, ғалла бермаймиз демоқдалар. Улар Голландияга қараб: ўз мамлакатингизга совет элчиларини киритакўрманглар, акс ҳолда ҳамал қиламиз деб дўқ урмоқдалар. Уларнинг қуроли оддий қуролдир—очлик сиртмоғидир» (188 бет). Бу сўзлар худди шу кунларда ёзилган сўзларга ўхшайди! Ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатларидаги империалистлар худди ўша Голландия ва бошқа мамлакатларга дўқ қилиб, уларни Советларга қарши қаратилган тажовузкорлик блокларига киришга мажбур этмоқдалар.

В. И. Ленин Америка империализмининг мунофиқона ниқобини йиртиб ташлади ва халқлар озодлигини бўғувчи ва маданиятини вайрон қилувчи қабиҳ афт-башарасини аниқ-равшан кўрсатиб берди. «Вильсоннинг идеаллаштирилган демократик республикаси,—дейди Ленин,—амалда энг қутирган империализмнинг, оҳиз ва майда халқларни уятсизларча эзиш ва бўғиб ташлашнинг формаси **бўлиб чиқди»** (169 бет). Ленин «Америка ишчиларига мактуб»да Америка Қўшма Штатларида бир ҳовуч миллиардерлар ҳукмронлик қилаётганлигини, бутун халқ эса қуллик ва асоратда эканлигини та'кидлаб ўтади. Америка империалистлари ўзларини маданиятнинг ҳимоячилари ва демократиянинг ҳомилари қилиб кўрсатадилар. Амалда эса улар демократия ва маданиятнинг ашаддий душманларидирлар. Империалистик урушнинг тўрт йили давомида буржуазия «қарийб бутун Европа маданиятини оёқости қилди, Европани вахшийлик, ёввойилик, очлик даражасигача етказди» (52 бет).

В. И. Ленин америка миллиардерлари биринчи социалистик республика бўлган совет ҳокимиятини бўғиб ташловчиларнинг ташкилотчилари сифатида майдонга чиқиб, «қонли империализмнинг қонли тарихида айниқса фожиали саҳифа очганликларини» (44 бет) уқдириб ўтди. Совет республикасида ортдирилган сабоқ америка империалистларига мутлақо кор қилмади. Улар ўзларининг қонли ишларини ҳозирда ҳам давом этдирмоқдалар. Биринчи жаҳон урушидагига қараганда иккинчи жаҳон урушида янада кўпроқ бойиб олган Америка Қўшма Штатларининг империалистлари жаҳонга ҳукмрон бўлиш учун мунофиқлик блан кураш олиб бормоқдалар, СССРга ва халқ демократияси мамлакатларига қарши янги урушга зўр бериб тайёрланмоқдалар. Қурияда ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳарбий интервенция қилмоқдалар. Броқ жаҳонга ҳукмрон бўлиш да'восини қилаётган инглиз-америка империалистларининг тақдири улардан олдин ўтган империалистларнинг тақдири блан бир бўлажак. Тинчлик ва демократия кучлари уларнинг қора ниятларини барбод қилажаклар.

В. И. Ленин ўз мактубида америка пролетарлари «эндиликда энг ёш, энг кучли америка империализмининг муросасиз душманлари сифатида айниқса муҳим роль ўйнашлари кераклигини...» (44 бет) кўрсатиб ўтди. Ленин меҳнаткашларнинг халқаро ҳамжиҳатлигини орттирмай мустаҳкамлаш вазифасини қўйди. Барча мамлакатлардаги ишчилар синфининг бирчи социализмнинг макони, тинчлик ва демократиянинг посбони бўлган Советлар мамлакатини ҳимоя қилишдан иборатдир. Совет мамлакати буюк демократия лагерига бошчилик қилгани ҳолда уларвор интернационал вазифаларни бажармоқда.

Ишчилар синфининг бирлигини бунёдга, революцион ҳаракатни бостириш ва халқлар озодлигини поймол қилишда империализмга малайлик қилган II Интернационалнинг социал-демократик раҳбарларини В. И. Ленин тинмай фош қилди. «Афтидан, — деб ёзган эди Ленин,—тарих шундай йўлни танлаб олганга ўхшайдики, бу йўлда «капиталистлар синфининг ишчи лейтенантлари» ўйнайдиган роль йиртқичлик, пасткашлик ва мунофиқликнинг «охирги чегараси»гача етказилмоги лозим» (412 бет). Бу сўзлар халқлар озодлигини поймол қилишда, коммунистик партияларни тор-мор келтиришда, ишчилар синфининг бирлигини парчалаб юборишда, янги жаҳон уруши оловини ёқишда инглиз-америка империалистларига зўр бериб ёрдам бераётган ҳозирги замон ўнг социалистларининг айнан ўзига калтак бўлиб тегади. Уларнинг зўр бериб уринишларига қарамай революцион ишчилар ҳаракатининг ва СССР бошчилик қилаётган бутун демократия лагерининг кучлари ўсмоқда, мустаҳкамланмоқда. Янги уруш оловини ёқувчи инглиз-америка империалистларига қарши тинчлик ва инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашдаги муваффақиятнинг гарови ана шундадир.

☆

28-нчи томга киритилган бирқанча асарлар қишлоқда социалистик революцияни ривожлантириш ва ўрта деҳқонларга муносабат масалаларига бағишланган. Бундан қаторига «Елеци ишчиларига мактуб», Советларнинг бутун Россия фавқулодда VI с'ездида 1918 йил 6 ноябрь куни революциянинг бир йиллиги тўғрисида сўзланган нутқ, Москва областидаги камбағаллар комитетларининг делегатларига қарата 1918 йил 8 ноябрьда ва ер бўлимлари, камбағал комитетлари ва коммуналарнинг Бутун Россия I с'ездида 1918 йил 11 декабрь куни сўзланган нутқлар ва бошқа ҳужжатлар киради.

Партия ва совет ҳокимияти қишлоқда камбағал деҳқонлардан иборат мустаҳкам таянч вужудга келтирдилар. Улар камбағал деҳқонларга суяниб қишлоқда социалистик қурилишни кучайтириб юбордилар.

Камбағаллар комитетлари пролетариат диктатурасининг қишлоқдаги таянч нуқталари эдилар. Улар охирги, энг кўп сонли эксплоататор синфлар бўлган қулоқларга қарши курашда катта роль ўйнадилар. Ленин «Ишчи ўртоқлар! сўнгги, қат'ий жангга борамиз» деган мурожаатномасида бундай деб ёзган эди: «Қулоқлар бошқа мамлакатларнинг тарихида помешчиклар, подшолар, поплар, капиталистлар ҳокимиятини бирнеча марта қайтадан тиклаган энг йиртқич, энг кўпол, энг ёвуз эксплоататорлардир» (39 бет). Ана шу қонхўрларга, халқни таловчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш зарур эди.

Ленин бу шиорни олға сураётганда социалистик хўжалик қуриш каби улуғвор мақсадга, коллектив ер эгалигига, ерни жамоат бўлиб ишлашга ўтиш зарурлигига асосланган эди. У ерни коллектив бўлиб, жамоат бўлиб ишлашга бирданига ўтиш мумкин эмаслигини уқдирган эди. «...Биз ҳаммадан бурун намуна кўрсатиш кучи блан, хўжаликни яхшилашга жалб этиш кучи блан ўртаҳол деҳқонлар оммасига та'сир этишни истаймиз ва деҳқончилик Россиясининг хўжалигида ана шундай чуқур ва ғоят муҳим ўзгариш ясаш учун бундай тадбирларнинг бирин-кетин та'сир этишинигина кўзда тутамиз» (323—324 бетлар).

Ленин 28-нчи томга киритилган бирқанча асарларда, хусусан Москва шаҳри партия ходимларининг йиғилишида пролетариатнинг майда буржуа демократиясига муносабати тўғрисида 1918 йил 27 ноябрь куни қилган докладида майда буржуа демократиясининг совет ҳокимиятига ўз ғиришни муносабати блан революцион пролетариатнинг унга бўлган муносабатини асослаб беради ва эиёлларни, эски мутахассисларни социалистик қурилиш ишига жалб этиш йўлларини кўрсатиб ўтади.

В. И. Ленининг 28-нчи томга киритилган асарларида социалистик қурилиш масалаларига доир ғоят муҳим бирқанча кўрсатмалар ҳам бор. Ленин социализм қурилиши соҳасидаги барча вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал этишнинг гарови ишчилар синфининг кенг оммасини ва меҳнаткашларнинг бошқа барча табақаларини активравишда ишга жалб этишдан иборат эканлигини та'кидлади. «Социализм қурилиши каби мислсиз мураккаб ишда Совет ҳокимияти олдида қийинчиликлар қўндаланг бўлган ҳарбир пайтда совет ҳокимияти бу қийинчиликларни ҳал этишнинг фақат биргина воситасини: ишчиларга, бундай қийинчилик юз берган ҳарбир пайтда ишчиларнинг янада кенгроқ қатламларига мурожаат қилишни билади... социализм кенг омма давлатни барпо этиш ва янги иқтисодий ҳаёт қуриш ишига илгаригига қарагандa 10 ва 100 марта кўпроқ кирганда пайтдагина қурилиши мумкин» (380 бет).

Ленин «Касаба союзларининг Бутун Россия II с'ездида 1919 йил 20 йил январьда қилинган доклади»да, «Касаба союзларининг вазифалари тўғрисида»ги мақоласида ишчилар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни социалистик қурилишга жалб этиш ишидаги роллари ва аҳамиятини белгилаб берди. Бирқанча асарлар, чунончи маориф ишлари юзасидан ўтказилган Бутун Россия I с'ездида сўзланган нутқ, «РСФСРнинг олий ўқув юртларига қабул қилиш тўғрисида. Халқ Комиссарлар Совети қарорининг лойиҳаси», «Маориф» Халқ Комиссарлигига» ёзилган мактуб ва бошқалар янги, совет маданияти қурилишига бағишланган.

В. И. Ленин партия ва совет ҳокимиятининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, капитализмнинг кишилар онгидаги қолдиқларига қарши кураш вазифаларини олға сурди. Большевиклар партияси, комсомол, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари Ленининг кўрсатмаларини бажариш учун меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни социалистик қурилишга активжалб этиш соҳасида ғоят кенг кўламдаги ишларни қучайтириб юбордилар. Бу тадбирлар СССР да социализмнинг муваффақиятли суратда қурилишини та'минлади ва мамлакатимизнинг социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишини та'миналяжак.

В. И. Ленин 28-нчи томга киритилган асарларда большевиклар партияси тажрибасининг оламшумул тарихий аҳамиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. У бундай деб ёзган эди: «Большевизм халқаро пролетариатнинг оламшумул назария ва тактикаси бўлиб қолди! Большевизм бутун дун'ё олдида узлуксиз социалистик революция кенг қулоч ёйсин учун зарур бўлган ишларни қилди...» (96 бет). Большевиклар раҳбарлик қилган Россия пролетариати барча мамлакатлардаги ишчиларни озод қилиш воситаларини кўрсатиб берди. Социализмга пролетариат диктатураси орқали ўтиб борилади. Бутун дун'ёдаги ишчилар ҳаракати барча қийинчиликларга қарамай, ана шу йўлдан бормоқда.

В. И. Ленининг асарларида большевиклар партиясининг буюк тажрибаси назарий жиҳатдан умумлаштириб берилган. Мазкур асарлар марксизмни янги босқичга кўтарди, бу асарлар бутун дун'ёдаги коммунистик партиялар ҳамда меҳнаткашлар қўлида қудратли қуролдир.

**И. ПОМЕЛОВ.**

**(«КУЛЬТУРА И ЖИЗНЬ» газетасининг 21 сонидан).**

## *Санобар Исҳоқова халқ судьялигига номзод*

Тошкент шаҳар, Сталин районидаги «9 Май» артелида Сталин районининг 3-нчи участка халқ судьялигига номзод кўрсатишга бағишланган умумий йиғилиш бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан техника раҳбари Бражник, ишчи Пўлатов ва бошқа ўртоқлар учинчи участка халқ судьялигига 2-нчи участка халқ судининг секретари Санобар Исҳоқованн номзод қилиб кўрсатишни таклиф этдилар. Ўртоқ Санобар Исҳоқова ҳормайтолмай ишлаши блан аҳоли ўртасида катта обрў қозонган. Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Санобар Исҳоқованн номзод қилиб кўрсатиш ҳақидаги таклифни бир оғиздан ма'қулладилар.

«Октябрь 20 йиллиги» артелининг а'золари «9 Май» артели коллективининг таклифини қизғин қувватладилар.

Тошкент шаҳар Сталин район ижроия комитети «Ўзбекистон ССР Халқ судларига сайлов тўғрисида низом»нинг 27-нчи ва 29-нчи моддаларига мувофиқ, ўртоқ Санобар Исҳоқованн Сталин район 3-нчи участка халқ судьялигига номзод қилиб рўйхатга олди. Ўртоқ Исҳоқова 1922 йилда туғилган, ВКП(б) а'золигига кандидат. Сталин районидаги 2-нчи участка халқ судининг секретари бўлиб ишлайди.

ЭНГ ЯХШИ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР ТАЖРИБАСИДАН

## „ҒАЛАБА“

Ма'лумки, деворий газеталар совет матбуотининг таркибий қисми бўлиб, унинг энг оммабоп хилидир. Деворий газеталар большевистик матбуотнинг хусусиятларини ўзида яққол ифодалаб, коллектив пропагандистлик, агитаторлик ва ташкилотчилик ролини ўйнайдилар. Ҳарбир большевистик орган каби, деворий газета ҳам меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уларни коммунизм қурилиши соҳасидаги навбатдаги вазифаларни бажаришга сафарбар этиш йўлида хизмат қилади.

Республикамизнинг саноат корхоналарида, колхоз, совхозларида, бошланғич ва ўрта мактабларида, олий ўқув юртларида минглаб деворий газета чиқарилмоқда. Бу деворий газеталар урушдан кейинги сталинча бешйиллик планни муддатидан илгари бажариш йўлида катта хизмат қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам деворий газеталар мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фахрли ўринни эгалладилар.

Деворий газеталарнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Бу тўғрида партия XIII с'ездининг резолюциясида қуйидагилар ёзилган:

«Деворий газеталар бизнинг матбуотимизда оммага та'сир этучи восита ва омманинг активлигини юзага чиқаручи форма сифатида, тобора катта аҳамиятга эга бўлади».

Колхоз, совхоз ва МТС ларда чиқаётган деворий газеталарнинг республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида хизмати жуда катта. ВКП(б) Марказий Комитетининг тарихий февраль Пленуми қарорларини, Ўзбекистон К(б)П X с'езди ҳамда пахтачилик илғорлари олтинчи қурултойи қарорларини бажаришга колхозчиларни сафарбар қилишда деворий газеталар олдида муҳим вазифалар турипти. Бу муҳим сиёсий вазифаларни амалга оширишда кўпчилик деворий газеталар яхши хизмат қилиб келмоқдалар. Мисол учун бир деворий газетанинг иш тажрибасини олиб кўрайлик.

Наманган область, Янгиқўрғон район, Ленинобод қишлоқ советида Тельман номли колхоз бор. Бу колхозда «Ғалаба» деворий газетаси колхоз тузилган кундан бошлаб мунтазам равишда чиқиб туради.

«Ғалаба» газетаси колхозчилар ўртасида жуда катта ҳурматга эга. Колхозчилар «Ғалаба» деворий газетасининг ҳарбир сонидаги мақола ва хабарларни зўр қизиқиш блан ўқийдилар.

Газета редколлегияси мақола ва хабарларнинг юксак ғоявий-сиёсий савиясида, қизиқарли бўлиши учун курашади. Колхоз олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларни муваффақият блан ҳал этишга кўмаклашиш, колхозчиларни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш «Ғалаба» деворий газетаси ўз олдига қўйган асосий мақсаддир.

Деворий газета ҳай'ати газетанинг ҳарбир сонини чиқариш учун олдиндан тайёргарлик кўради, колхоз олдида турган кунлик вазифаларни ҳисобга олиб, пухта план блан ишлайди. «Ғалаба» ўз актив мухбирларига эга. Газета план асосида мунтазам равишда чиқариб турилади. Газета чиқиши блан у, биринчи навбатда, марказий дала шийпонига олиб қўйилади, кейинчалик агитаторлар газетани навбатма-навбат дала шийпонларига олиб бориб, колхозчиларга ўқиб берадилар.

Газетанинг кейинги сонида «Ғўзани ўз вақтида парвариш қилайлик» сарлавҳали бошмақола берилган. Унда колхозчиларнинг айни шу кундаги конкрет вазифалари кўрсатиб берилган.

«Илғор бригадалар» сарлавҳали хабарда Абдуллажон Шарипов ва Абдуҳалил Далимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда иш социалистик мусобақа асосида ташкил қилинганлигидан, ғўза парвариши яхши бораётганлигидан хабар берилади ва бу илғорларнинг ғўза парваришидаги яхши тажрибаси пропаганда қилинади.

«Ғалаба» деворий газетасида танқид ва ўз-ўзини танқид ҳам яхши йўлга қўйилган. «Қолоқлик қачон тугатилади?» деган хабарда Абдуғани Жабборов бошлиқ бригада ва Акбаржон Халилов бошлиқ звеноларнинг ғўза парваришида судралиб қолаётганликлари қаттиқ танқид қилинган эди. Танқид бригада ва звено а'золарига жуда катта та'сир қилди. Ҳозир бу бригада ва звеноларда ғўза парвариши яхшиланмоқда.

Деворий газетанинг бошқа сонларида ҳам дангасаларга, ишёқмас, кўзбўямачи, ўз манфаатини кўзловчиларга қарши, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган хабарлар берилган. Бундай танқидий хабарлар колхоз правлениесида ўз вақтида муҳокама қилинади.

Тельман номли колхоз а'золари Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ва бу қуролни биринчи бўлиб ишлатган давлатни ҳарбий жиноятчи деб ҳисоблаш тўғрисидаги Мурожаатини ва бу тўғрида СССР Олий Совети Сессиясининг Баёнотини қизғин қутиб олдилар. Колхозчилар Мурожаатга яқдиллик блан қўл қўйиб, 35 ўринга 40 центнердан ҳосил топширишга қат'ий ва'да қилдилар. Ана шу кундан бошлаб далада иш ҳарқачонгидан кўра яна ҳам қизиб кетди.

Тельман номли бу колхозда «Ғалаба» деворий газетасидан ташқари, ҳарбир бригадада «Жанговар варақа» ҳам ҳар икки кунда чиқариб турилмоқда.

«Ғалаба» деворий газетасининг редколлегияси каби ўз вазифасини яхши тушунган деворий газета редколлегияларини кўплаб кўрсатиш мумкин.

Деворий газеталар сони борган сайин кўпайиб бормоқда. Шу блан бир қаторда, ёш мухбирлар сафи ҳам ўсмоқда. Уларнинг кўпчилиги деворий газеталарнинг редакторлиги ҳамда редколлегия а'золиги вазифаларига кўтарилмоқда. Маҳаллий матбуотимиз ёш мухбирларни тарбияласин, уларга газетани қандай қилиб мазмунли ва қизиқарли қилиб чиқариш, материал тўплаш ва хабар ишлаш усулларини ўргатиб бориши керак.

Босма газеталарнинг ходимлари ўз шаҳар ва районларида чиқадиган барча деворий газеталарнинг редакторлари, редколлегия а'золари ва мухбирлари блан яқин алоқада бўлишлари, ёш мухбирларнинг саволларига ўз вақтида жавоб қайтаришлари ҳамда деворий газеталарга тез-тез обзор бериб туришлари керак.

**А. РАҲМАТ.**
**Ҳ. НУРИЙ.**

## Агитмашина оталикдаги колхозларда

Пахтакорлар орасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш учун Тошкент шаҳар, Киров район партия комитети ташкил этган агитмашина Ўртачирчиқ районида бўлган оталикдаги колхозларга жўнаб кетди.

Агитмашинада колхозларга борган агитатор ва пропагандистлар дала шийпонларида СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1950 йил ҳосилини йиғиб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ҳақидаги, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг атом қуролини тақиқлаш ва бу қуролни биринчи бўлиб ишлатган давлатни ҳарбий жиноятчи деб ҳисоблаш тўғрисидаги Мурожаатини ва бу тўғрида СССР Олий Совети Сессиясининг Баёнотини қизғин қутиб олдилар. Колхозчилар Мурожаатга яқдиллик блан қўл қўйиб, 35 ўринга 40 центнердан ҳосил топширишга қат'ий ва'да қилдилар. Ана шу кундан бошлаб далада иш ҳарқачонгидан кўра яна ҳам қизиб кетди.

Тельман номли бу колхозда «Ғалаба» деворий газетасидан ташқари, ҳарбир бригадада «Жанговар варақа» ҳам ҳар икки кунда чиқариб турилмоқда.

«Ғалаба» деворий газетасининг редколлегияси каби ўз вазифасини яхши тушунган деворий газета редколлегияларини кўплаб кўрсатиш мумкин.

Деворий газеталар сони борган сайин кўпайиб бормоқда. Шу блан бир қаторда, ёш мухбирлар сафи ҳам ўсмоқда. Уларнинг кўпчилиги деворий газеталарнинг редакторлиги ҳамда редколлегия а'золиги вазифаларига кўтарилмоқда. Маҳаллий матбуотимиз ёш мухбирларни тарбияласин, уларга газетани қандай қилиб мазмунли ва қизиқарли қилиб чиқариш, материал тўплаш ва хабар ишлаш усулларини ўргатиб бориши керак.

Босма газеталарнинг ходимлари ўз шаҳар ва районларида чиқадиган барча деворий газеталарнинг редакторлари, редколлегия а'золари ва мухбирлари блан яқин алоқада бўлишлари, ёш мухбирларнинг саволларига ўз вақтида жавоб қайтаришлари ҳамда деворий газеталарга тез-тез обзор бериб туришлари керак.

**А. РАҲМАТ.**
**Ҳ. НУРИЙ.**

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

## *Доим ўнта кам тўрт*

Навоий кўчасининг трамвай тўхтайдиган ўрда остановкаси — шаҳарнинг серқатнов ерларидан бири. Фабрика ва заводларда, корхоналарда, муассасаларда ишловчилар, олий ўқув юртларининг ўқувчилари шу ердан ўтадилар. Ўз ишига вақтида боришга одатланиб қолган ҳамма ҳам ўрдадаги осма соатга бир қарамай ўтмайди.

Шаҳар ободончилик бўлимига қарашли бу соат стрелкалари негадир май ойидан буён ўнта кам тўртни кўрсатганича тўхтаб турадн. Бундай тўхтаб қолган соатларни Пушкин кўчасида ҳам, консерва заводи олдида ҳам учратиш мумкин.

Шаҳар ободончилик бўлими, шахсан унинг бошлиғи ўртоқ Пономарев соат стрелкаларини қачон юргизиб юборар эканлар?

**Х. АБДУЛЛАЕВ, М. КУЗНЕЦОВ, М. РАҲМАТОВ, Н. ҒУЛОМЖОНОВ, Б. САИДОВ.**

## Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Фарғона область, Қўқон районининг Арзиқтепа ва Ленин қишлоқ советларидаги колхозларда маданий-оқартув ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги ва шу қишлоқ советларидаги медпункт ходимларининг масъулиятсизлиги натижасида колхозчиларга медицина ёрдами кўрсатиш қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлиги кўрсатилган эди.

Қўқон район ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди ва Арзиқтепа ҳамда Ленин қишлоқ советларидаги колхозларда маданий-оқартув ишларини яхшилаш, колхозчиларга медицина ёрдамини кучайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Ленин қишлоқ советидаги ўз вазифасига совуққонлик блан қараб келган медпункт мудири Павлова вазифасидан четлаштирилди.

☆

Редакциямизга келган бир хабарда Қашқадарё область, Ғузор районидаги қорақўлчилик совхозининг директори Роман Федорович Зеленин давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиб келганлиги ҳамда маиший жиҳатдан бузилиб, раҳбарлик ишларида қўпол хатоларга йўл қўйиб келаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон К(б)П Қашқадарё область комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Текширишда аниқланган фактлар область партия комитетининг бюро мажлисида муҳокама қилинди, давлат ва жамоат мулкининг талон-торож қилинишига ҳамда раҳбарлик ишларида қўпол хатоларга йўл қўйиб келганлиги учун Ғузор районидаги қорақўлчилик совхозининг директори Р. Ф. Зеленин вазифасидан четлаштирилди. Шунинг блан бирга уни партия жавобгарлигига тортиш масаласи совхоз бошланғич партия ташкилотига топширилди.

# Ғўзани ҳосил етилгунча парвариш қилайлик!

☆

## Мактубга жавобан

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг «Июль ойида ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосил тўплаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» деб чиқарган қарори асосида ишлаб чиқилган графикларнинг оғишмасдан бажарилишини таъмин этаётганлигимиз туфайли, ғўзаларимиз қийғос ҳосилга кирди. Шу кунларда ғўзаларни олти марта чопиқ, олти марта культивация қилиб, айрим ерларни тўртинчи марта суғораётирмиз.

Колхозимизнинг кекса пахтакори ўртоқ Отамурод Маҳмудов бошлиқ звено ўтган йили ҳар гектар ердан 74 центнердан пахта топширган эди. Звено аъзолари бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил етиштириш учун фидокорона кураш олиб бормоқдалар. Бу звенонинг 6 гектар ердаги ғўзаси текис ўсиб, ривожланмоқда. Ҳозир ҳар бир тупда 20 тагача тўлиқ кўсак бор.

Қардош Озарбайжон республикаси пахтакорларининг делегацияси Бухоро областига келганида, бизнинг колхозимизда бўлди. Меҳмонлар ишимиздаги ижобий томонларни қайд қилиш билан, камчиликларимизни ҳам кўрсатдилар. Озарбайжон ССР, Геокчай районидаги Калинина номли колхозининг раиси ўртоқ А. Жебраилов колхозимизда бўлган мажлисда ўз колхозининг аъзолари номидан гапириб, ҳар гектардан 30 центнердан пахта топшириш шарти билан бизни мусобақага чақирди. Унинг чақиришини колхозчиларимиз ҳар гектардан 40 центнердан пахта бериш билан қабул қилган эдилар. Биз бутун кучни қабул қилинган мажбуриятнинг шараф билан ado этилишига сафарбар қилдик.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Ўзбекистондаги барча колхозчилар, трактрочилар, механикларга, пахтакор совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалигининг барча ходимларига қарата ёзган Мактубини колхозчиларимиз баланд руҳ билан муҳокама қилдилар ва Мактубга жавобан ўз зиммаларига қўшимча мажбурият олдилар.

Ғўза парваришида ишлаётган 118 та колхозчининг ҳаммаси кунлик нормани 125—150 процентга етказиб бажармоқда. Стахановчи кетманчилардан Ҳосият Ҳайитова, Тўхта Бозоров, Маҳди Тўраев, Дуржон Бойсунов, Муаззама Холиқова, Ҳаким Сатторов, Назар Холиқов, Собира Раҳмонова ўртоқлар кунлик нормани узлуксиз бир ярим, икки ҳисса ортириб бажараётирлар.

Ҳамма ғўзамизни чеканка қилиб бўлдик. 56 колхозчи ғўзаларга қўшимча минерал ва маҳаллий ўғит тўкмоқда. Уз колхозимиздан етишиб чиққан трактористи комсомол аъзоси Бобоқул Отамуродов ҳар куни 14—16 гектар ердаги ғўзани культивация қилаётир. У, культивация қилиш планини ошиғи билан бажарди, пландан ташқари 100 гектар майдондаги ғўзани культивация қилиш мажбуриятини олди.

Биз ўртоқ Ҳамро Ҳайитов бошлиқ бригаданинг 6 гектар ердаги ғўзаси ковлаб кетганлигини аниқлаб, бу ерларга сув қўйишни вақтинча тўхтатиб, чопиқ ва культивацияни кучайтирдик, ҳарбир туп ғўзанинг тагига қўй қийини майдалаб, минерал ўғитга аралаштириб солдик. Бу тадбир яхши натижа берди.

Колхозчиларимиз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Мактубига жавобан, ғўза парваришини то пахта йиғим-терими бошланганига қадар тўхтовсиз давом эттиришга ва пахта тайёрлаш йиллик планини 25 октябрьгача бажаришга қарор қилдилар.

**Ғулом ОЛЛОҚУЛОВ.**

Бухоро область, Ғиждувон район, Ғовшун қишлоқ советидаги «Большевик» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.



Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги 4-нчи МТСнинг механизаторлари ҳосилга ҳосил қўшишда колхозларга катта ёрдам бермоқдалар. Универсалчи ўртоқ Худойберган Қўшманов ғўзаларни культивация қилишда яхши муваффақиятга эришди. У кунига 1,5—2 норма бажариб, мавсум бошидан буён 1.150 гектар ернинг ғўзасини культивация қилди. **Суратда:** ўртоқ **Х. Қўшманов** Навоий номидаги колхозининг ғўзаларини культивация қилмоқда.

**Р. Қўчқор** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

# „Норин“ совхози ўз мажбуриятини қандай бажармоқда

«Норин» совхозининг ишчилари бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу мақсад билан улар 3-нчи «Далварзин» совхози билан социалистик мусобақа шартномаси тузганлар.

Совхознинг ўртоқ Фармон Очилов бошлиқ 4-нчи бўлим ишчилари социалистик мусобақа шартларини бажаришда олдинда бораётирлар. Бу бўлим ишчилари 650 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, ҳамма ердаги ғўзаларни 7 марта культивация, 6 марта чопиқдан чиқардилар. Ғўзалар 3 марта озиқлантирилди ва 5 марта қондириб суғорилди. Бўлимдаги ўртоқ Н. Закиряев бошлиқ бригада пахтадан айниқса мўл ҳосил етиштирмоқда. 45 гектар ерга чигит экиган бу бригадада меҳнат тўғри ташкил қилинганидан 26 кишининг ҳаммаси нормани ошириб бажариб келмоқда. Бригаданинг 6 марта парвариш қилинган ғўзалари 19—20 тадан ҳосил шох олиб, 14—16 тадан кўсаклади. Бригадада ғўза чеканкаси тугалланди.

Ўртоқ Д. Аҳмедов бошлиқ бўлган биринчи бўлим ишчилари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бунга ўртоқ Ҳошим Бадалов бошлиқ бригаданинг иши яққол мисолдир. Бу бригада ишчилари уюшқоқлик билан ишлаб, ҳамма ердаги ғўзани серҳосил қилиб ўстирдилар, яъни ҳар бир туп ғўзада 12—13 тадан етилган кўсак сананш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бўлимларда ишчилар август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш учун ҳарқачонгидан ҳам яхши ишламоқдалар. Бу бўлимларда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам қизғин бормоқда. Йўл-кўприклар тузатилмоқда, тош-тарозилар ремонт қилинаётир.

Броқ совхозининг ҳамма бўлимларида ҳам иш социалистик мусобақада олинган мажбуриятга яраша бормоқда. Мисол учун Остонақул Киргизбоев бошлиқ 2-нчи бўлимни олайлик. Бу бўлимда меҳнат тўғри ташкил қилинмаган. 300 ишчидан 260—270 таси кунлик иш нормасини бажармайди. Натижада, бу бўлим ғўза парваришида жуда ҳам орқада қолмоқда. 150 гектардан ортиқ ердаги ғўза ҳалигача 4-нчи чопиқдан чиқарилмаган. Бўлимнинг коммунист ўртоқ Нурбой Исматиллаев бошлиқ бригадасида аҳвол айниқса ёмон. 57 гектар ерга чигит экган бу бригадада 15 гектар ердаги ғўза ўт ичида қолиб кетган, шунингдек 20 гектар ердаги ғўза ҳали ҳосилга кирмаган. Бунга сабаб шуки, бригадада чопиқ сифатсиз, яъни 4—5 сантиметр чуқурликда ўтказилиб келинган. Ғўзаларни суғоришда ҳам агротехника қоидалари бузилмоқда. Ғўзалар ғай ёки чим қўйиб суғорилмайди. «Сув йўқ» деган баҳона билан 15 гектар ердаги ғўза сувдан қолдирилган.

Мана бу нуқсонлар совхоз ишчилари томонидан олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини хавф остида қолдиради.

Совхоз директори ўртоқ Эсонбой Нишонов бир-иккита бўлимнинг иши билан шуғулланиш ўрнига, ҳамма бўлимларда мўл ҳосил етиштиришни таъминлаши керак.

**Қ. АБДУРАҲИМОВ.**
**Н. НУРИДДИНОВ.**

# ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

**Самарқанд** область, Комсомол районидаги Киров номли колхозининг аъзолари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг август ойида ҳосилга ҳосил қўшиш ҳақидаги Мактубига жавобан, ғўза парваришини кучайтириб юбордилар.

Гектаридан 45 центнер пахта етиштириш мажбуриятини олган Назаров ва Ма'руфов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ғўзалари 6 чопиқ ва 7 культивациядан чиқарилди. Шунга қарамай, бригада аъзолари ғўзани яна бир-икки марта чопиқ, культивация қиладилар. Ғўза парваришига қўшимча равишда 32 киши чиқарилди. Колхозда ғўзани чеканка қилиш тугалланди. Колхозчилар кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

**Б. Имомов.**

☆

**Наманган** область, Уйчи районидаги Ленин номли колхозининг аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун ғўзани намунали парвариш қилмоқдалар. Шу колхозда колхозда ғўзанинг аҳволига қараб табақалаштирилган парвариш ўтказилаётир. Яхши ҳосилга кирмаган ғўзаларга шарват суви берилаётир. 15 гектар ердаги ўсишдан кейинда қолган ғўза алоҳида парвариш қилиниб, ҳосилга киритилди.

**И. Нарзуллаев.**
**А. Раҳмонов.**

# Социалистик Чирчиқда

### ИШЧИ-ЁШЛАР ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ ЁҚЛАДИЛАР

Шаҳардаги кечки 10 йиллик ишчи-ёшлар мактабида саноат корхоналарининг ишчи ёшлари ўқиб, билимларини оширмоқдалар. Бу йил шулардан 38 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, етуклик аттестати ёқлади.

### КАТТА ЮТУҚ

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Электрохимия комбинатининг ишчиси «К» 013542 сонли 200 сўмлик 2 процентли давлат заёми облигациясига 25 минг сўм ютди.

### 1.000 КИШИ ҚИЗИЛ ОЙ ЖАМИЯТИГА А'ЗО

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электрохимия комбинатининг ишчилари, инженер ва техник ходимларидан 1.000 киши Қизил Ой жамиятига а'зо бўлдилар. Жамият а'золаридан Калинина, Тольчина ўртоқлар цех ишчилари ўртасида «Қизил Ой жамияти ва унинг вазифалари тўғрисида» суҳбатлар ўтказмоқдалар.

### ЕШ ТАБИЁТШУНОСЛАР

Бўзсув посёлкасидаги Л. М. Каганович номли 1-нчи еттийиллик мактаб ҳузурида ёш мичуринчилар тўгараги тузилган. Тўгаракка пионер ва ўқувчилардан 76 киши а'зо бўлиб кирди.

### ТЕХНИКА БИЛИМЛАРИНИ ТАРҚАТУВЧИ ЖАМИЯТДА

Саноат корхоналарининг ишини янада ихчамлаштириш ва технология жараёнини яхшилаш мақсадида техника билимларини тарқатувчи шаҳар жамияти тузилди. «Чирчиқсельмаш», «Средазхиммаш» заводларининг инженер ва техник ходимларидан 90 киши бу жамиятга а'зо бўлиб кирдилар.

Шаҳар корхоналари ҳузурида жамиятнинг секцияларини тузилмоқда. «Средазхиммаш» заводидаги секция а'зоси инженер Митус ҳозир ишлабчиқаришда сварка ишларини автоматлаштириш устида иш олиб бормоқда.

### ИШЧИЛАР ЎРИН ЯНГИ ТУРАРЖОЙ

Шаҳардаги Осипенко ва Темирйўл кўчалари бурчагида «Средазхиммаш» заводининг ишчилари, инженер ва техник ходимлари учун икки қаватли иккита янги бино қурилди. Бу янги уйларга корхонанинг энг яхши стахановчи ишчилари жойлаштирилмоқда.

### ЯНГИ ҒИШТ ЗАВОДИ

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электрохимия комбинати ҳузурида қурилаётган янги ғишт заводи ишга туширилди. Завод бир кечакундузда 8—10 минг донадан ортиқ пишиқ ғишт тайёрлаб чиқармоқда.

### СТАХАНОВЧИ ОСОВ ҒАЛАБАСИ

«Средазхиммаш» заводининг асбоблар цехидаги стахановчи рандаловчи Борис Осов бир вақтнинг ўзида икки рандалаш ва бир пармалаш станокларини муваффақият билан бошқармоқда. Комсомол Осов шу кунларда смена топшириғини 4—5 баравар ортиқриб бажариб, нуқул а'ло сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

**Р. ДАМИНОВ.**

# Қисқа сатрларда

**Тошкентдаги** 4-нчи пойафзал фабрикасининг ишчи, хизматчилари учун фабрика ёрдамчи хўжалигида бир кунлик дам олиш уйи ташкил этилди. Дам олиш уйи очилган биринчи кунда 46 киши дам олди.

**Т. Розиқов.**

**Андижон** область, Марҳамат район, Қорақўрғон қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз правленияси идорасининг рўпарасидаги очиқ саҳнга улуғ доҳи Сталинга ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкалнинг атрофи гулзор қилинди.

**А. Мадраҳимов.**

**Самарқанд** область, Пахтакор район Раймиқул қишлоқ советидаги «Қизил байроқ» колхозида 300 кишилик клуб биноси қад кўтарди. Қарноб қишлоқ советидаги «Қизил чорвадор» колхозида ҳам 500 киши сиғадиган клуб, 4 хоналик колхоз идораси қурилди.

**И. Иброҳимов.**

САНОАТИМИЗНИНГ ИЛҒОР КИШИЛАРИ

# Уч станокда ишлашдаги тажрибаларим

Иш жойида иш на қадар яхши уюштирилган бўлса, меҳнат унуми ҳам шунча юқори бўлади. Бу — ишлабчиқариш ҳаётининг қонунидир.

Кўпгина ишчи меҳнат тўғри ташкил қилинмаганлиги сабабли, иш кунининг анча қисмини бекор ўтказади, баъзи ишчилар эса станоклардан тўла фойдаланмайдилар. Бир вақтлар менинг ишимда ҳам шундай камчиликлар бор эди. Мен урушдан кейинги бешйилликни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, иш кунидан тўла фойдаланиш, ўзим ишлаётган уч станокнинг иш унумини ошириш мажбуриятини олдим.

Станокчи ҳарқандай асбоблардан қанчалик моҳирлик билан фойдаланмасин, агар у станокни сақлаш ва ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаса, иш қуроллари ва материалларни пухта сақламаса, меҳнат унумини оширишга эришаолмайди. Шунинг учун ҳам мен иш бошлашдан олдин механизмларни кўздан кечириб, станокнинг ҳамма қисмларини мойлаб чиқаман. Станокнинг ишида юз берган майда камчиликларни ўзим иш устида тузатиб, детальларни ўз вақтида алмаштириб тураман.

Ўлчаш ва кесиш асбоблари меҳнатни ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Асбобларни иш бошлангунча тайёрлаб қўйишни ўзимга одат қилиб олганман. Мен резецларни ростлашга алоҳида эътибор билан қарайман. Бунинг учун мен ҳар вақт запас резец тайёрлаб қўяман.

Кам малакали рандаловчилар кесиш асбобларининг дамини нотўғри ўрнатадилар, натижада асбоб тез ишдан чиқади. Резецларни тез-тез алмаштириб туриш эса иш вақтининг бекор ўтишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, резецнинг фасчаси калта бўлса, металлни чуқур рандалаш мумкин бўлмайди. Бу эса меҳнат унумини анча пасайтиради.

Станокнинг яхши ишлаши кўп жиҳатдан резецни тўғри чархлашга боғлиқдир. Ҳолбуки, кўпинча рандаловчилар бу масалага эътиборсизлик билан қарайдилар.

Юмшоқ металлни рандалаш учун мен резецнинг тишларини кесиш жиҳатининг бўйига қаратиб, учини думалоқлаб чархлайман, акс ҳолда, резец орқага қайтишда синиб қолади. Мураккаб пўлатни рандалаш учун эса резецнинг тишини кесиш жиҳатига тик шаклда чархлайман ва учини думалоқлайман. Бундай чархлаш резецнинг чидамлилигини оширади ва металлнинг сифатли рандаланишини таъминлайди.

Урушдан кейинги сталинча бешйилликни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнат унумини ошириш йўлларини излай бошладим.

Мен ишлаётган 3-нчи механика цехида малакали рандаловчилар етишмас эди. Шу сабабли кўп станокда ишлашга қарор бердим ва ҳозир учта рандалаш станогида ишлаяпман.

Рандаловчининг касби катта малака ва маҳорат талаб қилади. Кўп станокда ишлаш учун эса меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва иш жойини пухта тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Янги бешйилликда кўп станокчилик ҳаракати янада кучайиб кетди. Саноатнинг ҳамма соҳасида кўп станокда ишловчилар сони тобора ошмоқда.

Кўп станокда ишлашнинг асосий шартларидан бири — машина ва автоматлар ишини қўл иши билан тўғри боғлаб олиб борабилишдан иборатдир. Аммо машина ва автоматларда ишлаш учун қўл билан ишлашга қараганда кўпроқ вақт ажратилиши керак.

Кўп станокда ишлашнинг иккинчи муҳим шарти — ишни тўғри танлаш ва графикни тўғри белгилашдан иборатдир. Шунингдек, станокларни ва иш жойларини тўғри жойлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Мен заготовкаларни қабул қилиш билан, металлни бўйига рандалайдиган станокни 60 — 90 минутда тайёрланадиган детальларни рандалаш учун мослаб созлайман ва бу станокни ишга солгандан кейин, вертикаль рандалаш станокларида кам меҳнат талаб қиладиган детальларни ишлашга киришаман.

Баъзи рандаловчилар ҳархил детальларни бирга аралаштириб ишлайберадилар. Натижада иш кунининг 30 —35 процентги станокни мослаш учун сарф қилинади. Детальларни группаларга ажратиб танлаш ва ишлаш эса менга ҳар сменада икки, икки ярим соат вақтни тежаш имкониятини беради.

Иш жойини пухта тайёрлаш, ускуналардан моҳирлик билан фойдаланиш, ишкунини тўғри планлаш йўли билан, мен иш вақтининг бекор ўтишини бутунлай йўқотиб, ускунадан фойдаланиш коэфициентини ва меҳнат унумини анча оширишга муваффақ бўлдим.

Аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашда ҳам яхши натижаларга эришдим. Ҳозир ўз станокларимда нуқул аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётирман.

Мен ўзимнинг стахановча иш усулларимни бошқа ишчиларга ҳам қунт билан ўргатаман. Қисқа вақт ичида уч шогирдни рандаловчи қилиб тайёрладим. Улар ҳозир мустақил ишлаб, нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Ўртоқ Сталиннинг, бутун кечагидан кўра, эртага эса бугунгидан кўра яхшироқ ишлаш ҳақидаги сўзлари менинг учун шиор бўлиб қолди. Яқинда тўрт станокда ишлашга кўчишни ўз олдимга вазифа қилиб қўйдим.

Заводимизнинг донгдор кўпстанокчиси Иван Бессарабнинг стахановча иш тажрибаларини ўрганиш менга меҳнат унумини тобора ошириш имкониятини берди. Мен ўтган йилнинг 9 ойи ичида 4 йиллик нормани бажардим. Бу эса билим савиямни тинмай ошириш ҳамда Ватанимизнинг бахт-саодати учун янада яхши ишлашнинг янги йўлларини излаб топишнинг самарасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясини янги ютуқлар билан кутиб олиш учун курашиб, мен 1950 йилнинг 6 ойи ичида 2.5 йиллик нормани бажардим.

**О. ҒАББОСОВ.**

«Средазхиммаш» заводининг кўпстанокчи стахановчиси.

## Завод тежалган ёқилғи ҳисобига 23 кун ишлади

Самарқанд тамаки саралаш заводининг коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллигигача йиллик ишлабчиқариш планини бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юборди. 6 ой ичида йиллик ишлабчиқариш топшириғи 68,2 процент бажарилди. Шу давр ичида пландан ташқари 812,2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Завод коллективи ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш учун астойдил курашмоқда. Завод тежалган ёқилғи ҳисобига 23 кун ишлади. Ёқилғи тежашда қозон цехи коллективи олдинда бормоқда. Кочегарлардан Николай Чуканов, Иван Батейкин ўртоқлар айниқса яхши натижаларга эришдилар.

**Б. ПИРНАЗАРОВ.**

## Пахта пунктлари учун малакали ходимлар

Республикамизда бу йилги пахта ҳосилини қабул қилиш мавсуми яқинлашаётганлиги муносабати билан, Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги областларда пахта пунктлари ходимларининг малакасини ошириш бир ярим ойлик курсларини очган эди.

Тошкентда очилган курсларни 108 пункт мудири, 100 товаровед, 16 энтомолог ва 50 агротехник тамомлаб чиқди.

Республиканинг областларидаги шундай курсларни ҳаммаси бўлиб 955 киши битириб чиқди.

**П. ҒАНИЕВ.**

# *Азиз меҳмонлар*

Тошкентда Ғалиаскар Камол номидаги Татар Давлат академик театрининг ёзги гастролларн бошланди. Пойтахт тамошабинлари татар совет театр сан'атининг асосий ядроси бўлган бу коллективни зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Татар миллий театри 1905 йилнинг тарихий воқиалари билан бир даврда, революцион халқ руҳини ифодаловчи демократик сан'атнинг энг оммабоп тури сифатида вужудга келди. Ҳусайин Ямашев, Ғафур Қулаҳметов сингари татар большевикларн миллий сан'атнинг бу куртагини улғайтиришда, уни чинакам халқчил сан'ат ўчоғига, халқнинг революцион интилишларини ифода этувчи театрга айлантиришда ҳам ташкилий, ҳам ижодий ташаббус кўрсатдилар. Ёш театр қаршисида буюк рус халқининг асрий демократик сан'ат намунаси намоён эди. Островский ва Горький асарлари унинг биринчи репертуарида асосий ўринни эгаллади. Театрнинг асосчиларидан бири, татар халқининг машҳур сан'аткори Ғалиаскар Камол ва буюк халқ шоири Ғабдулла Тўқай бу репертуарларни биринчи миллий саҳна асарлари билан бойитдилар.

Социалистик революциядан аввалок буюк Горький асарларини ижро этиш билан халқ муҳаббатини қозонган бу театр катта ижодий йўл босиб ўтди, айниқса Октябрьдан кейин ижодий фаолиятини эркин ва кенг ривожлантириб юборди ва оммани коммунистик руҳда тарбиялашда самарали хизмат қилиб келмоқда.

Театр бу гал республикамизга 60 кишилик мукаммал состави билан келди. Коллективда Татаристон ва РСФСРда донг таратган сан'ат усталари бор. РСФСР ва Татаристон АССР халқ артисти Ҳалил Абжалилов 30 йилдан ортиқ умрини халқ сан'атига бағишлаган, ғоят кенг диапазонли кекса сан'аткордир. У яратган образлар галлериясида Хўжа Насриддин сингари чуқур комик типлар ҳам, Король Лир сингари тийран фожий типлар ҳам бор. Ҳалил Абжалилов айниқса ҳозирги замон ижобий қаҳрамонларининг образларини яратишдаги маҳорати билан халқ ҳурматини қозонди. Сталин Мукофоти Лауреати Константин Симоновнинг «Бегона соя» асаридаги профессор Трубников образини яратиш унинг сўнгги ютуқларидан биридир.

РСФСРда хизмат кўрсатган ва Татаристон АССР халқ артисти Ғалия Буллатова совет театр мактабида ўқиб улғайган, янги, ихтисосли сан'ат усталаридан бўлиб, ижодий коллективнинг умидли талончи ҳисобланади. У кейинги вақтда Сталин Мукофоти Лауреати Николай Виртанинг «Маҳкум этилганлар фитнаси» асаридаги бош қаҳрамон Гонна Лихта образини яратиб, катта муваффақият қозонди.

РСФСРда хизмат кўрсатган ва Татаристон АССР халқ артисти Камол III — татар халқининг ҳурматли сан'аткори. Унинг бутун авлоди миллий сан'ат тарихида узлуксиз хизмати билан муносиб ўрин олган. Тошкент тамошабинлари Камол IIни татар халқининг революцион қаҳрамони Мулланур Воҳитов ролида кўриб, унинг ижодидаги энг катта ютуқларидан бирига шоҳид бўлажаклар.

Коллективда булардан бошқа, яна, РСФСРда хизмат кўрсатган ва Татаристон халқ артистлари Гулсум Болгарская, Фотима Ильская, Ҳусайин Ўрозиқов каби татар совет сан'атини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, халқ ҳурматига сазовор бўлган кўплаб талантли актёрлар бор.

Татар давлат театрининг гастрольлари сталинча халқлар дўстлиги ва ижодий ҳамкорлигининг яққол ифодасидир. Бу меҳмонлар Тошкент меҳнаткашларига яна шунинг учун ҳам азизки, татар сан'ат усталари ўзбек совет театрини ривожлантиришда доимо биродарларча кўмак бериб келдилар. Уларнинг кўпи ўзбек театри ривожланишининг дастлабки даврида, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик театри саҳнасида, кекса сан'аткорларимиз билан бир сафда, бевосита хизмат қилган одамлардир. Шунинг учун Тошкент тамошабинлари ҳурматли ўртоқ Абжалиловни, Татаристон АССР халқ артистлари Мажит Элдор ва Фотимахонимни саҳнада кўрганларида дарҳол таниб, Татаристон сан'аткорларининг дўстона ёрдамини миннатдорлик билан эслайдилар ва унинг давомини ҳис қиладилар. Гастрольнинг биринчи спектакли охирида Ҳалимахоним Носирова, Маннон Уйғур каби ўзбек сан'ат усталарининг дўстларга гулдаста тутиб самимий табрик этиши ҳаммага ана шу миниатдорчиликнинг бевосита изҳор этилиши бўлиб туюлди.

Театр Ўзбекистонга ўз репертуарининг асосий намуналари билан, сўнгги ижодий муваффақиятлари билан келди. Коллектив гастроль давомида тамошабинларимизга РСФСР ва Татаристон АССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Тожи Ғиззатнинг «Тошкинлар» трилогиясидан «Ҳаяжонли кунлар», «Жанговар кунлар» деган икки бўлагини ва «Чин муҳаббат» пьесасини, драматург Нақи Исанбатнинг «Мулланур Воҳитов», «Хўжа Насриддин», А. Аҳматнинг «Сирлар», Татаристонда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Шариф Камолнинг «Хожи афанди уйланаётир», Вадим Сабконинг «Иккинчи фронт орқасида» (Ваян Ғиззат таржимаси), А. Абдиевнинг «Шамсиқамар» деган асарларини кўрсатажак.

Гастроль «Ҳаяжонли кунлар» спектакли билан бошланди. Пьеса 1914—16 йиллар воқиасини ҳикоя қилади. Маҳорат билан ижро этилган бу асар ғоясининг ниҳоятда актуаллиги биринчи кунёқ гастрольнинг юксак савиясини кўрсатиб, тамошабинларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлди. Айниқса шу кунларда, тамошабинларнинг тинчлик учун кураш ҳиссиёти билан, янги уруш оловини ёқувчиларга қарши нафрат билан тўлган қалби саҳнада талқин этилган ғоя ва воқиаларга ҳаяжон билан акс-садо бериб турди. Биринчи империалистик урушнинг бошланганлиги ҳақидаги шум хабар воқиа иштирокчиларини даҳшатга соларкан, тамошабин юрагида озод ва тинч ҳаётнинг енгилмас кўргони, севикли Совет Россиясига бўлган алангали муҳаббат жўш уради.

Асар империалистик талончилик урушининг бутун вахшати ва жирканч моҳиятини, бу уруш сабабли халқ бошига тушган ситам ва кулфатларни, уруш оловини ёқучи ва урушдан манфаат топучиларнинг ашаддий йиртқичлигини очиб кўрсатади.

Халқ урушни истамайди. Россия империалистлари, чор ҳукумати ва подшо халқнинг оч, яланғоч, қуролсиз фарзандларини қонли уруш гирдобига ҳайдаб, мулк, бойлик тўплаш пайига тушадилар. Мамлакат хўжалиги вайрон бўлади, очлик, қашшоқлик, майиблар, тул ва етимлар ортаборади. Халқнинг ғазаби тошади, унинг илғор фарзандлари — большевиклар қуролни ўз империалистларига, бу подшоларига қарши қаратиш ҳақида ташвиқот юргизиб, халқнинг революцион руҳини кўтарадилар. Россия мулкдорларини ва подшони даҳшатга солучи революция туғилиб келади...

Драматург мана шу тарихий воқиалар фонида қат'ий контрас қилиб қўйилган икки оиланинг ҳаётини беради. У, оилавий муносабатларни жуда катта маҳорат билан ижтимоий моҳиятга эга бўлган воқиалар даражасига кўтаради. Қонли империалистик уруш натижасида хонавайрон бўлиб, ғам-ғуссали вайронага айланган деҳқон Бектемир оиласи билан шу уруш натижасида давлат, олтин ортдириб қутирган мулкдор Шоулихон оиласининг ҳаёти реал манзараларда тамошабин кўзи олдига келади.

Ҳалил Абжалилов ижросида Бектемир образи татар деҳқонининг империалистик уруш натижасида содир бўлган аянч фожиасини ниҳоятда ҳаяжонли қилиб ифодалайди.

. . . Кекса деҳқоннинг уч ўғли урушга жўнатилди. Тул келинлар ва кампир билан чолдан иборат камбағал оилага ўғил хати билан даҳшатли фронт ҳиди, шум хабарлар, қайғу-алам кириб келди. Қорахат... Бирдан-бир от тортиб олинди. Очлик. Яна қорахат... Таҳқир. Кечагина ўз муҳаббати ҳақида умид тўла ғўзал қўшиқ айтган ёш Гулчеҳра бугун Шоулихоннинг фахш арзандаси томонидан хўрланганлиги ҳақидаги шум сирни ичига ютиб, фар'ёлнола билан ёшлик фожиасини куйлайди... Сўнгги ўғил сургунда. Қочиб келган куни уни чолу-кампир багридан суғуриб олиб, қамоқхонага элтадилар. Қозон қайнамайди, қонли кўз ёш оқади...

Мана бу аянч манзарадаги бош фигура — Бектемирнинг бутун руҳий ҳолатлари, фикри ва омолидаги тадрижий ўзгаришлар, айрим детальларда ҳам, образнинг ғоявий бутунлигида ҳам, Абжалилов томонидан ғоят катта моҳирлик билан кўрсатиб берилган. ТАССР да хизмат кўрсатган артист Гулсум Камскэя (Гулнисо кампир), артист Марзия Менгнибоева (Гулчеҳра) ва бошқаларнинг талантли ўйини Бектемир фожиаси та'сирини янада кучайтирган.

Шоулихон оиласи. Ялтироқ, заррин кўшк, жилоланиб турган бахмал кийимлар. Бу бахмал ва зарлардан қон ҳиди бурқсийди. Қашшоқ деҳқон йигитларни сотиб, пул эвазига фронтдан қолдирилган икки барзангги ўғил. Бири — йиртқич, хасис, олтиннинг жирканч қули. Иккинчиси — эрка, фоҳиш. Булар фронтдан келган хатларни овлаб, ҳайвонларга хос ҳиссизлик билан қорахатлар тўқиб, тул келинларни хўрлаш, оилаларга бузғунчилик солиш, етим қизларнинг ёшлигини ўғирлаш билан овора. Улар пул билан қутирадилар. Бу уйда уруш эсланганда ҳам пул важидангина эсланади.

Қосимхон билан Мирзахон — анча мураккаб образлар. Татаристон АССР халқ артисти Мажит Элдор Қосимхонни отасига ўхшамайдиган, янгича, капитал тўпланма империалистик ишчанлик ва юзсизлик билан, бошқаларнинг кони-жонини аямай ҳаракат қиладиган йиртқич эксплоататор сифатида жуда тўғри талқин этган. Қосимхон чаққонлик билан мулкини кенгайтиради, йиртик пулдорлар билан рақобатда енгиш ва бозорларни қўлга олиш учун ҳечнарсани аямайди, халқ ичида очлик бошланганда туз, керосин, гугурт каби энг зарур молларни фақат ғонга алиштириш ҳақида буйруқ беради...

Мирзахон (артист Гилманов) воқиаларга янада янгичароқ қарайди. «Мамлакатни идора қилишни билмайсизлар» дейди у отасига. Революция довулини сезади ва унинг ўзи учун даҳшатли хавф эканини пайқайди. «Ватанни сақлаб қолиш» ҳақида «қайғира» бошлаганида ундан меньшевистик хоинлик ҳиди келади.

Автор икки синф ўртасидаги курашнинг тобора кескин тус олаборишини очиб берган. Империалистик уруш натижасида омманинг норозилиги, ғазаби ва революцион онги ошаборади. Бу айниқса Мирвали, Григорий, Ғайнавал, Ойсулу образларининг динамикасида яққол кўринади. Қашшоқлик аламини олиш учун ўзининг яланғоч болаларини уриб, кейин раҳми келганидан ўзи ўксиб йиғлаган, «умрида бир марта ҳам қулмаган» тул хотин Ғайнавалнинг уруш келтирган уқубатлар натижасида ғазабнок бўлиши, қўлга қурол олиши, большевиклар билан алоқа боғлаш даражасига етиши ТАССР да хизмат кўрсатган артист Мариям Сулъва ижросида табиий ва ишонарли чиққан.

Ғайнавалга ўхшаганлар кўп. Улар уюшабошлайдилар. Уларни уюштируичилар трилогиянинг биринчи пьесасида ҳали унча кўзга ташланмайди. Лекин ишчи Мирвали (ТАССРда хизмат кўрсатган артист Нажиб Ғайнуллин) ва Григорий (артист Ҳидият Султонов)ларнинг танлаган йўли шу эканлиги билиниб туради. Деҳқонларга империалистик урушнинг талончилик моҳиятини тушунтиришда, Шоулихонлар мисолида урушни ҳазина деб билувчиларни фош қилиш учун интилган, солдатларнинг урушга қарши намойишларини уюштирган ёш ишчи революцион ишчининг — рус ва татар солдатининг дўстлиги, садоқати ва интилишлари озгина диалогларда анча тўла кўрсатилган.

Асар охирида Мирвали қамоқхонага ташланади. Отаси, ўғлимни қутқазаман, деб қурол кўтарганида, рус йигити Григорий, бизни қутқазучилар бор, албатта қутқазадилар, деб отани тинчлантиради. Жафокаш деҳқоннинг қурол кўтаруви ва Григорийнинг бу умидворгани финалга оптимистик, курашан революцион руҳ берган.

Асарни саҳнага қўючи, ТАССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби Ш. Саримсоқов, театрнинг бош режиссёри Ғабдулла Юсупов ўртоқлар ва бутун ижодий коллектив юксак бадиий ва ғоявий спектакль яратганлар. Тамошабинлар гастролнинг бундан кейинги спектакллларида ҳам уларга муффақият тилайдилар.

**Асқад МУХТОР.**



Ўзбекистон физкультурачилари VI спартакиадасининг бошланишига бағишланган спорт байрами. **Суратда** (чапдан ўнгга): спартакиаданинг бошланиши шарафига байроқ кўтарилмоқда, Тошкент «Динамо», «Буревестник» спорт жамиятларининг физкультурачилари колоннаси, Спортчи-пионерлар гимнастика қилмоқдалар. И. Глауберзон фотоси.

# ҚУРИЯДАГИ ВОҚИАЛАР

### ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚЎМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ПХЕНЬЯН, 5 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги 5 август эрталаб қуйидаги ахборотни э'лон қилди:

Халқ армияси қўшинлари олдиндан тайёрланган мудофаа позицияларида қаттиқ қаршилик кўрсатаётган америка қўшинлари ва лисинманчи қўшинларнинг пиёда ва мотомеханикалаштирилган қисмларига зарбалар бериб, ҳамма фронтларда ҳужумни давом этдирдилар.

Душман кемалардан Қуриянинг тинч шаҳар ва қишлоқларини ваҳшийларча бомбардимон қилмоқда ва ўққа тутмоқда.

2 августда америка эсминси Чумуньчжин (Тюбунри) шаҳрини артиллериядан ўққа тутди, лекин Халқ армиясининг қирғоқ батареяси эсминсни ўқ узишни тўхтатишга мажбур этди. Тўрт марта ўқ теккан душман эсминси ёнабошлади ва жануб томонга жўнаб кетди.

3 августда америка аэропланлари Хиннам (Конан) шаҳри районига яна ҳужум қилдилар. Халқ армиясининг зенит артиллерияси душманнинг икки аэропланини уриб туширди.

ПХЕНЬЯН, 5 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг бугун кечқурун э'лон қилинган ахборотида бундай дейилади:

Халқ армияси қўшинлари ҳамма фронтларда америка қўшинларининг қисмларига қарши шиддатли жангларни давом этдирмоқдалар. Халқ армияси қисмлари томонидан Чиньчжу (Синсю), Хепчхонь (Кйосен), Кимчхонь (Кинсен) ва Аньдон (Анто) районларидан улоқтириб ташланган душман бу ерларнинг қулай хусусиятларидан фойдаланиб, Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсининг шарқи-жанубидаги мудофаа линиясида қаршилик кўрсатмоқда.

Халқ армиясининг авиацияси сон жиҳатидан кўп бўлган америка авиациясига қарши қаттиқ жангларни давом этдириб, Халқ армиясининг қуруқликдаги қисмлари олиб бораётган ҳужумга мадад бермоқда.

ПХЕНЬЯН, 6 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армияси Бош қўмондонлигининг бугун эрталаб э'лон қилинган ахборотида бундай дейилади: Халқ армияси қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинлари қисмларига қарши шиддатли жангларни давом этдирдилар.

Америка авиацияси ва ҳарбий кемалари тинч шаҳар ва қишлоқларни ваҳшийларча бомбардимон қилиб ва тўпга тутиб, мактабларни, касалхоналарни, маданий-оқартув муассасаларини ва уйжойларни хароб қилмоқдалар.

5 августда америка ҳарбий кемаси ғарбий соҳилдаги Пякендо (Хакурей) оролини тўпга тутмоқчи бўлган эди, лекин Халқ армиясининг қирғоқ батареяси ўт очиб, кемани қувиб юборди.

5 августда 8 та америка бомбардимончи аэроплани Нампхо (Тиннампо) шаҳрига ҳужум қилди. Халқ армиясининг зенит артиллерияси душманнинг учта аэропланини уриб туширди.

Шу куни 4 та америка аэроплани Хэчжу (Кайсю) шаҳрига ҳужум қилди, аммо душман аэропланлари мўлжалга етаолмадилар, зенит артиллерияси уларни ҳайдаб юборди.

ПХЕНЬЯН, 6 август. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидаги ахборотни чиқарди: Халқ армияси қисмлари табиий ғовлардан фойдаланган ва қаршилик кўрсатаётган америка қисмларининг қаттиқ қаршилигини енгиб, Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсида америка мудофаа линиясини ёриб ўтдилар ва чекинаётган душманни қувиб бориб, ҳужумни давом этдирмоқдалар.

Шарқий соҳилда Халқ армиясининг қўшинлари америка таңк ва пиёда қисмларининг бирнеча қарши атакасини қайтариб, уларга қарши қаттиқ жангларни давом этдирмоқдалар.

Шарқий соҳилдаги жангларда Халқ армияси қисмлари 40 дан ортиқ америка солдатини асир олдилар. Ўлжалар қўлга туширилди.

### ПУСАНДА АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Жонстон Пусан (Фузан)дан билдиради: америкалилар «Пусанда ички хавфсизликни та'минлаш» юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқдалар. Америка қўшинлари командирларининг фикрича, ўтган ҳафтада Пусанга жуда кўп шимолий қуриялилар кирганлар, Жонстон бундай деб ёзади: «3 августда шаҳарда аҳолини қўғирчоқ Ли Син Манга ва америка босқинчиларига қарши қўзғолон кўтаришга чақирган варақалар тарқатилди».

### МАКАРТУР ШТАБИНИНГ АХБОРОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири хабар беради: 8-нчи америка армияси қўмондонлигининг ахборотида Қурия Халқ армияси қисмларининг Хамчхон (Кансио)дан шарқи-жанубда Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан ўтганликлари э'тироф қилинади.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Токиодаги мухбири ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондонлигининг ахборотини хабар қилди. Бу ахборотда америка авиацияси Сеул—Инчон (Чемульпо) районини бомбардимон қилганлиги айтилади.

### ҚУРИЯДАГИ УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ ҲАҚИДА АМЕРИКА МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлигининг фронтда америка қўшинлари блан бирга Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёси районида бўлган мухбири хабар беради: Шимолий Қурия танклари кеча ғарбий фронтнинг марказий участкасида Нактонган (Ракуто-Ко) дар'ёсидан ўтдилар. Лекин бу танкларнинг қанча эканлиги ма'лум эмас.

Юнайтед Пресс агентлигининг хабаридан ма'лум бўлишича, америкалилар Нактонган дар'ёси бўйидаги фронтда 5 милядан 20 милягача кенгликдаги районда Қуриянинг граждан аҳолисини америка қўшинлари позициялари орқасига ҳайдаб юборганлар.

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Ламберт хабар беради: кеча тонг вақтида бир можара юз берди: америка денгиз пиёда аскарлари билмасдан бир-бирларини ўққа тутабошладилар. Бу ўзаро отишма 6 соат давом этди.

# ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА

ДЕҲЛИ, 5 август. (ТАСС). 3 августда Ҳиндистон парламентида Ҳиндистон ҳукуматининг Қурия масаласидаги сиёсати тўғрисида Ҳиндистон бош министри Неру нутқ сўзлади.

Неру Хавфсизлик Совети а'золарининг Қурия тўғрисида чиқарган ғайри қонуний резолюциясини Ҳиндистон қувватлаётганлигини оқлашга уринди.

Сўнгра Неру бундай деди: менинг И. В. Сталинга ва Ачесонга мактуб ёзганлигим Ҳиндистон ҳукуматининг тинчлик сиёсати юргизаётганлигини, Хитой халқ республикаси ҳукуматини таниш сиёсатини юргизаётганлигини яққол кўрсатади. «Биз ҳозирги вақтда ҳам Қуриядаги низо'ни тинч йўл блан ҳал этишни ва демократик Хитойни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'золигига қабул қилишни қувватлаймиз» деди Неру.

Неру: «Қуриянинг истиқболи ҳақидаги масалани қурия халқи ҳал этиши керак!» деб хитоб қилди.

Сўнгра Неру айтдики, Қуриядаги низо'ни ҳал қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Шимолий ва Жанубий Қурия вакилларининг фикри эшитилиши керак.

Неру ўз сўзининг охирида парламентга мурожаат қилиб, Ҳиндистон ҳукуматининг Қурия масаласида тутган сиёсатини ма'қуллашни таклиф этди.

ДЕҲЛИ, 5 август. (ТАСС). Ҳиндистон парламентида бош министр Нерунинг Қурия масаласида Ҳиндистон республикаси ҳукумати тутган сиёсат тўғрисидаги доклади юзасидан бўлган музокараларда профессор Шах сўзга чиқиб дедики, Америка Қўшма Штатларининг агрессияси Британиянинг мустамлакачилик агрессиясидек хавфлидир. Ҳинд халқи Британиянинг мустамлакачилик агрессиясига қарши узоқ вақтдан буён кураш олиб бормоқда. Профессор Шах бундай деди: «Қуриядаги уруш — қурия халқининг ички ишидир... Американинг Қуриядаги ички ишларга аралашуви халқаро адолат талабларига хилофдир».

Депутат Камат бундай деди: «бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш ва Узоқ Шарқдаги низо'ларни тинч йўл блан ҳал қилиш учун демократик Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши зарур». Камат Неруга Қуриядаги низо' ва тинч йўл блан ҳал қилиш ва демократик Хитойни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш йўлидаги ташаббусини давом этдиришни маслаҳат қилди.

Депутат Саксена Ҳиндистон ҳукуматининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қурия тўғрисида чиқарган резолюцияларини қувватлаганлигини қоралади. Саксена бундай деди: «Ҳиндистон ҳукумати бу резолюцияларни қувватлаши блан Жанубий Қурияни ёқлаганлигини кўрсатди. Ҳиндистон ҳукуматининг уруш қилучи Жанубий Қурия томонига ўтиши қалтис йўлдир».

Собиқ озиқ-овқат ва та'минот министри Мукержи, Қурияни бирлаштириш Қуриядаги мустаҳкам тинчлик учун энг муҳим шартдир, деди. Мукержи Ҳиндистон ҳукуматининг Қурия масаласида тутган сиёсатини Ҳиндистон манфаатларига тамомила хилоф сиёсат деб танқид қилди.

ЛОНДОН, 5 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Деҳлидан хабар беради: Ҳиндистон парламенти 4 августда резолюция қабул қилди. Бу резолюция Ҳиндистон ҳукуматининг Қурия масаласида тутган сиёсатини ма'қуллайди.

# *Хо Ши Миннинг Францияда чиқадиган „Авангард“ газетаси мухбирига айтганлари*

ПАРИЖ, 5 август. (ТАСС). «Се суар» газетаси Хо Ши Миннинг «Авангард» деган ёшлар газетасининг директори Лео Фигер блан қилган суҳбат вақтида айтган сўзларини босиб чиқарди. Фигер Вьетнам демократик республикасига қилган сафаридан яқинда Францияга қайтиб келган эди.

**Савол:** Вьетнам ҳукумати ва халқи СССР, Хитой ва Европадаги бошқа демократик мамлакатлар ҳукуматларининг Вьетнам демократик республикасини таниганликларига қандай қарайди?

**Жавоб:** Мамнуният, хурсандчилик ва миннатдорчилик блан қарайди.

**Савол:** Мамлакатингизнинг ички ишларига Америка Қўшма Штатларидаги ҳукмрон доираларнинг очиқдан-очиқ аралашаётганлиги ҳақида ўз фикрингизни айтишингиз мумкинми?

**Жавоб:** Бу аралашув демократияга қарши қаратилган, милитаристик аралашувдир, Хитойнинг ички ишларига аралашув қандай барбод бўлган бўлса, бу аралашув ҳам албатта шундай барбод бўлади.

**Савол:** Тинчликни тиклаш учун ҳукуматингиз қандай дастлабки шартларни илгари суради?

**Жавоб:** Бунинг учун француз қўшинлари тамомила олиб кетилиши шарт.

**Савол:** Сизнинг фикрингизча, келгусида Вьетнам халқи блан Лаос ва Камбоджи халқлари ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши керак?

**Жавоб:** Бу муносабатлар тўла тенг ҳуқуқлилик ва миллий мустақилликни ўзаро ҳурмат қилиш асосида қурилган қардошлик муносабатлари бўлиши лозим.

**Савол:** Француз ҳукмдорлари Вьетнамдаги урушнинг давом этдирилаётганлигини, жумладан, агар француз қўшинлари Ҳинд-Хитойдан кетиб қолсалар, бу ерда «бизнинг дўстларимиз қириб ташланиши мумкин» деган баҳона блан оқламоқчи бўладилар. Сиз республика ма'мурларининг бу «коллаборационистларга» қандай муносабатда эканликларини айтаолмайсизми?

**Жавоб:** Улар блан қонунга мувофиқ суратда муносабатда бўлинади: улар ҳозирги ёки келгусидаги ҳатти-ҳаракатларига қараб ё афв этиладилар ёки уларга жазо берилади. Лекин ҳечкимга «қирғин» таҳдид қилаётгани йўқ.

**Савол:** Демократик Вьетнамга қарши олиб борилаётган урушда француз солдатлари ва чет эл солдатлари блан бирқаторда Африка мамлакатларидан келтирилган солдатлардан ҳам фойдаланилаётганлиги ҳақида нима дейсиз?

**Жавоб:** Бу «Франция иттифоқи» деб аталган иттифоқнинг барбод қилиниши учун энг яхши йўлдир. Мен бу мамлакатлардаги халқ ўз ёшларидан «қабиҳ» урушда, шунингдек бошқа ҳархил адолатсиз урушларда фойдаланилишига тўсқинлик қилиш учун бирлашади деб умид қиламан.

**Савол:** Франция аҳолисининг Вьетнамга қарши урушни тўхтатишни талаб қилиб чиқаётган кенг табақалари ҳақида Сизнинг фикрингиз қандай?

**Жавоб:** Мен уларга миннатдорлик изҳор қиламан ва янги муваффақиятлар тилайман. Француз халқи Вьетнамдаги «қабиҳ уруш»га қарши курашуви блан бутун дун'ёда тинчлик учун ва Франциянинг мустақиллиги учун курашади.

**Савол:** Францияда чиқадиган ба'зи газеталар Сизнинг территориянгизда назорат остига олинган французларнинг тақдири ҳақида кучли кампания олиб бормоқдалар. (Бу ерда гап ҳарбий асирлар ва граждан аҳолисидан бўлган кишилар ҳақида боради). Сиз бу французларнинг аҳволи ҳақида ва ҳукуматингизнинг уларга муносабати тўғрисида ўз фикрингизни айтаоласизми?

**Жавоб:** Биз уларнинг турмушини яхшилаш учун мумкин бўлган ҳамма тадбирларни кўраётирмиз. Мен улардан миннатдорчилик билдириб ёзган кўпгина мактублар олдим.

**Савол:** Сизнинг мамлакатингиз блан француз халқи ўртасидаги келгуси муносабатлар ҳақида фикрингиз қандай?

**Жавоб:** Тенглик асосида қардошларча ҳамкорлик ўрнатилиши лозим. Биз Франциянинг демократик халқини севамиз ва у блан фахрланамиз, унга самимий дўстлик туйғуларимизни билдиришингизни сиздан сўрайман.

# ТОШКЕНТДА ФИЗКУЛЬТУРА БАЙРАМИ

6 август дам олиш куни пойтахт байрам тусини олди. Кўчалар, бинолар, майдонлар, стадион ва боғлар, қизил байроқлар, партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари, турли-туман спорт суратлари ва шиорлар блан безатилган эди. Давримизнинг қувноқ ва бахтли йигит ва қизларининг завқли ва шўх ашулалари, мотоциклларнинг гувиллаган овозлари эрта азондаёқ ҳаммаёқда эшитилабошлади. Қизил, ҳаворанг, сарғиш, кўк майкалар кийиб олган физкультурачилар саф-саф бўлиб шаҳар кўчалари бўйлаб кезиб, стадион ва спорт майдонлари томон йўл олмоқдалар. Булар орасида республикамизнинг турли область ва районларидан келган физкультурачилар, пойтахтимизнинг отоқли спортчилари, чемпионлар, рекордчилар ҳам бор эди.

Физкультурачиларнинг байрам тантаналари эрталабданоқ бошланди. Шаҳардаги стадион ва спорт майдонлари, сув станциялари спортчилар ва шаҳар аҳолиси блан тўлди. Кўчаларда мотоциклчи ва велосипедчиларнинг пойгалари ўтказилди. Совет спортчиларини байрам блан табриклаш учун кўчаларга чиққан пойтахт меҳнаткашларини ҳамма ерда кўриш мумкин эди.

Кеч соат 6. Жуда чиройли безатилган «Спартак» стадиони борган сари одамлар блан тўлмоқда. Майдон ўртасида пойтахт спорт жамиятларининг физкультурачилари, областьлардан Ўзбекистон VI спартакиадасида қатнашиш учун келган спортчилар ва Тошкент мактабларининг физкультурачи-пионерлари саф тортганлар.

Парадга кўмондонлик қилучи ўртоқ Морознинг «Смирно!» деган командаси эшитилади. Ҳаммаёқда жим-житлик. Майдонга кириб келган Ўзбекистон ССР физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси ўртоқ Исмоилов, Ўзбекистон касаба союзлари совети раисининг ўринбосари ўртоқ Парамошкин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Қосимов унинг рапортини қабул қилиб оладилар ва майдонни айланиб, физкультурачиларни Бутун Иттифоқ физкультурачилар куни байрами ва Ўзбекистон VI спартакиадасининг очилиши блан табриклайдилар. Сўнгра, ўртоқ Исмоилов физкультурачиларга қарата нутқ сўзлади. У Ўзбекистон физкультурачиларининг партия ва ҳукуматимиз, шахсан ўртоқ Сталин раҳбарлиги остида эришган муваффақиятларини гапириб, уларнинг бундан сўнгги ишларида янгидан-янги ғалабалар тилади. Унинг совет физкультурачиларининг отаси, энг яқин дўсти ва ғамхўри улуғ Сталин шарафига айтган табрик сўзлари қаттиқ қарсаклар блан қарши олинди.

Майдон чекасида ўрнатилган байроқ ёнига республикамизнинг энг яхши спортчиларидан 22 киши келади. Улар Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари остида бу байроқни секин-аста осмонга кўтарадилар. Бу байроқ Ўзбекистон спортчиларининг VI спартакиадаси бошланганидан дарак берар эди. Шу пайтда майдонга гулдасталар ва байроқчалар кўтарган пионерлар кириб келадилар. Улар ҳамманинг қаттиқ қарсаклари остида спартакиада қатнашчиларига бу гулдасталарни ва байроқчаларни тақдим этадилар.

Парад бошланади. Парадни пойтахт мактабларининг спортчи-пионерлари бошлаб берадилар. Минбар олдидан жуда кўп жажжи қизлар ва болалар ўтадилар. Улар бахтли ёшлик учун, қувноқ ҳаёт учун партия ва ҳукуматимизга, улуғ Сталинга ўзларининг миннатдорчиликларини изҳор этадилар. Спорт жамиятлари физкультурачиларининг колонналари майдонга кириб келади. Олдинда Ленин орденли «Динамо» спорт жамиятининг спортчилари, сўнгра «Спартак», «Буревестник», «Меҳнат резервлари», «Пишчевик», «Локомотив» ва бошқа спорт жамиятларининг колонналари ўтадилар. Булар орасида республикамизнинг энг яхши спортчилари, спорт мастерлари бор эдилар.

Минбар олдидан рангба-ранг кийинган спортчиларнинг колоннаси тез-тез ўтиб турипти. Мана, Самарқанд областининг физкультурачилари ўтмоқдалар. Улар республика спартакиадасида ғолиб чиқиш учун энг яхши спортчиларини олиб келганлар. Самарқандлилардан сўнг Фарғона, Бухоро, Андижон, Хоразм областьлари, Қорақалпоғистон АССР, Қашқадар'ё, Сурхондар'ё, Тошкент областьларининг спортчи йигитлари ва қизлари ҳамманинг қарсаклари остида ўтиб борадилар. Улар ёшлик, эпчиллик, куч ва қувват намуналарини, жисмоний томондан чиниққанликларини, социалистик меҳнатга, Ватан мудофаасига тайёр эканликларини намойиш қиладилар. Парад охирида армия спорт жамиятининг физкультурачилари ўтадилар. Танлари қуёшда қизарган бу йигитлар гўё бир кишидек қадам ташлаб, ҳаммаёқни ларзага келтириб ўтадилар.

Парад тугагач, майдон Ватанимизнинг ёш авлодлари, коммунизм жамиятининг ёш бинокорлари—пионерлар блан тўлади. Улар оркестрнинг машқлари остида турли чиройли ҳаракатлар қиладилар. Ёш физкультурачиларнинг ўйинлари тугаши олдидан осмонда «Биз тинчлик тарафдоримиз!» деган катта лавҳа пайдо бўлади. Бутун стадионда қаттиқ қарсаклар кўтарилади. Бу сўзлар тинчлик тарафдори бўлган миллионларча кишиларнинг дилида жаранглаб эшитилаётган, бутун меҳнаткаш халқ—кексалар ҳам, ёшлар ҳам, гўдаклар ҳам орзу қилган олижаноб истак ва ҳаётбахш сўзлар эди. Халқ ўзининг севимли фарзандларини қувонч ва фахр блан кузатиб қолади.

Майдонга футболчилар чиқадилар. Булар — Самарқанд ва Фарғона областьларининг спортчилари эдилар. Улар республика биринчилиги учун мусобақа қилдилар. Ўйин анча қизғин ўтди. Ҳар икки томон ҳам ғалаба қозониш учун ғайрат ва ташаббус блан ўйнади. 90 минут давом этган курашдан сўнг Самарқанд областининг футболчилари 2:1 ҳисоби блан ғалаба қозондилар.

Ўйин орасида енгил атлётикачиларнинг мусобақалари бўлди. 100 метрга югуришда СССР спорт мастери Фарида Ҳасанова ғолиб чиқди. У, бу масофани 13,7 секундда босиб ўтди. Эркаклар орасида бу масофага югуришда тошкентли Емченко биринчи ўринни олди.

Колхозчи физкультурачиларнинг 100 метрга югуриш мусобақасида самарқандли А. Мустафоқулов белгиланган масофани 12,3 секундда босиб ўтиб, биринчи ўринни олди. Ўртоқ Мустафоқулов 800 метрга югуришда ҳам ғолиб чиқди. Хоразмли колхозчи Шахмаева 100 метр масофага югуришда ва узунликка сакрашда биринчи ўринни олди. У, 4 метр 28 сантиметр узунликка сакради. Республика рекордчиси Е. Демченко ядрони 10 метр 80 сантиметрга ирғитди. Тошкентли А. Ритикова узунликка сакрашда, А. Осипов баландликка сакрашда; колхозчи физкультурачилар орасида баландликка сакрашда сурхондар'ёли Т. Жўраев, шунингдек 800 метрга югуришда тошкентли А. Плитт ва Т. Исмоилов ўртоқлар ғолиб чиқдилар.

Кечқурун Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида классик курашлар бўлди. Тошкент командаси 7:1 ҳисоби блан Самарқанд командасини ютди. Бухоро ва Тошкент областьларининг полвонлари ўртасидаги кураш 4:3 ҳисоби блан бухоролилар фойдасига тугади. Наманган ва Сурхондар'ё областьлари полвонларининг учрашувида сурхондар'ёлилар ғолиб чиқдилар.

Сталин номидаги маданият ва истироҳат боғининг сув станциясида сузиш мусобақалари бўлди. 100 метрга сузишда андижонли В. М. Фомина ва фарғонали А. Пархуновлар ғолиб чиқдилар. Шунингдек турли масофаларда ҳархил шаклда сузишда фарғонали Иванова, тошкентли А. Толостошеев, А. Меженков ўртоқлар биринчи ўринларни олдилар.

Спартакиаданинг иккинчи куни — 7 августда мусобақалар давом этди. «Динамо» стадионида футбол ўйинлари бўлди. Хоразм область командаси 3:1 ҳисоби блан Бухоро область командасини, Қорақалпоғистон АССР командаси 3:0 ҳисоби блан Наманган область командасини ютди.

Тошйўлда 30 километр масофага хотин-қиз велосипедчиларининг пойгаси ўтказилди. Бу мусобақада тошкентли А. Клеценко ғолиб чиқиб, бутун масофани 53 минут 40 секундда босиб ўтди. Иккинчи ўринни Л. Калагова, учинчи ўринни самарқандли Петрова олди. Эркаклар орасида 100 километрга ўтказилган мусобақада тошкентли Лазареко биринчи бўлиб маррага етиб келди. У бу масофани 2 соат 50 минут 20 секундда босиб ўтди. Унинг бу натижаси республикада янги рекорд ҳисобланади. Иккинчи ўринни тошкентли Н. Еригин, учинчи ўринни Б. Попов олдилар.

Шунингдек катта Ўзбекистон трактида мотоциклчиларнинг пойгаси бўлди. 25 километрга ўтказилган пойгада самарқандли А. Углева ғолиб чиқди. У белгиланган масофани 21 минутда босди. 50 километрга ўтказилган пойгада енгил машиналар орасида Тошкент областидан келган Цитруш ғолиб чиқиб, маррага 44 минут 20 секундда етиб келди. Шунингдек ўрта машиналар орасида самарқандли Бадеев ғолиб чиқди. Команда биринчилигини Самарқанд области, иккинчи ўринни Тошкент области олди.

Мусобақалар бугун ҳам ҳамма стадионларда давом этмоқда.

### НИ ЦИ-ЛЯН ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ХИТОЙ ЭЛЧИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАНДИ

ПЕКИН, 6 август. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой халқ республикасининг Марказий халқ ҳукумати Ни Ци-лянни Хитойнинг Қурия халқ-демократик республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси қилиб тайинлади.

### Англия блан Америка ўртасида қарама-қаршиликлар

НЬЮ-ЙОРК, 6 август. (ТАСС). «Дейли компас» газетасининг обзорчиси Иоганнес Стил ёзади: Англия ташқи ишлар министрлигида Қўшма Штатлар яқин фурсатда Қуриядаги воқиалар блан банд бўладилар, шу сабабли Яқин ва Ўрта Шарқдаги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ишларини анча сусайтирадилар деган фикр ҳукм сурмоқда. Бинобарин, ташқи ишлар министрлигидаги экспертларнинг фикрича, Буюк Британия бу районда аввалги мавқиини тиклаш имкониятига эгадир. Шу сабабли Англия ҳукумати Қурияда Қўшма Штатларга ёрдам бериш учун жиддий чоралар кўришни истамайди.

### САУДИЙЛАР АРАБИСТОНИ ҚУРИЯГА ҚЎШИН ЮБОРИШДАН БОШ ТОРТДИ

БАЙРУТ, 5 август. (ТАСС). Дамашқ радио станцияси қуйидаги хабарни эшитдирди: Саудийлар Арабистони ҳукумати Трюгве Лига берган жавобида уни Саудийлар Арабистони ҳукуматининг Қурияга аскар юборишдан бош тортганлиги тўғрисида хабардор қилди.

# СССР биринчилиги учун футбол мусобақаси

6 августда Молдавия ССР пойтахти Кишинев шаҳридаги «Динамо» стадионида СССР биринчилиги учун «Б» классда ўйновчи футбол командалари ўртасида навбатдаги ўйин бўлди. Майдонда Кишинев «Буревестник» ва Тошкент Офицерлар Уйи командалари учрашдилар.

Уйиннинг биринчи бўлими қаттиқ курашлар блан ўтди. Шунга қарамай, на у, на бу команда ғалаба қозонолмади. Ўйиннинг иккинчи бўлимида кишиневлилар Тошкент дарвозасига тўп киритдилар. Тошкентлилар бунга жавобан ҳужумни кучайтирадилар ва бирнеча минутдан сўнг Худуриди кишиневлилар дарвозасига тўп киритади. Натижа ўйин охиригача ўзгармайди. Бу учрашув 1:1 ҳисоби блан тугади.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари
Б. РАҲМОНОВ.

## ТЕАТР ва КИНОЛАРДА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Пушкин номли парк) — 8 августда **Алпомиш.**

«РОДИНА» — кундуз **Яккама-якка,** кечқурун **Саҳродаги қўзғолон.**

«ВАТАН» — **Хитой қизлари.**

«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз **Хитой қизлари, кечқурун Денгиздагилар шарафига.**

«НАВОИЙ» (ёзги) — **Хитой қизлари.**

«ИСКРА» (қишки) — 2-нчи залда рангдор фильм **Ўлимга маҳкум этилганлар фитнаси,** бошқа залларда **Ташландиқ бола.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Сўнгги раунд.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Хитой қизлари,** кеч соат 9 ва 11 да **Дунай фарзанди.**

«ХЕВА» — **Хитой қизлари.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Дубровский.**

Тошкентдаги
8-НЧИ ЭЛЕКТР РЕМОНТ ЗАВОДИ
ҳархил тип ва қувватга эга бўлган
ЭЛЕКТРОМОТОРЛАР, ГЕНЕРАТОРЛАР ВА ТРАНСФОРМАТОРЛАР РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН ЗАКАЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТДИРАДИ

Йирик машина ва трансформаторларни ўрнатилган жойларида кўчма бригадалар бориб ремонт қилади. Ремонтнинг сифати гарантияланади.

Ремонт ишлари учун Электр саноати министрлигининг прейскуранти юзасидан ҳақ олинади.

Заказ бериш учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишевское шоссе, Ўзбумкомбинат территориясида. Телефон — 37-444.

Заказлар дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни соат 8 дан 16 гача қабул қилинади (танаффус соат 12 дан 13 гача). Тайёр маҳсулот соат 8 дан 12 гача берилади.

Қизил кўча, 6-нчи уйда туручи **Раҳмат Йўлдошевнинг** шу уйда туручи Турсун Исҳоқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими—31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими—32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 01494. «Қизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1129.